Составы чугунов, предназначенных для изготовления наковальни

№	Марка чугуна	Содержание химических элементов, % по массе							
		C	Si	Cr	Mo	Ni	Ti	P	S
1.	280Х29НЛ	2,55	≤ 1,5	28,0	-	0,6	1	≤ 0,1	≤ 0,1
2.	300Х32Н2М2ТЛ	2,60	≤ 2,0	32,0	1,7	0,6	2,2	≤ 0,1	≤ 0,1

Образцы чугунов для испытаний отливали в земляные формы. Износостойкость изучали в режиме сухого трения. Хромистый чугун 330Х17Л был выбран как наиболее распространенный износостойкий чугун в Республике Узбекистан. Комплексно-легированный никелем, молибденом и титаном чугун 300Х32Н2М2ТЛ обладает оптимальными механическими свойствами, хорошо зарекомендовал себя в горнорудной промышленности, в частности, при изготовлении детали «наковальня» дробилки модели KEV 96. Легированный никелем чугун 280Х29НЛ обладает хорошими механическими свойствами, хорошо зарекомендовал себя в горнорудной промышленности, при изготовлении детали «наковальня» дробилки модели KEV 96 [13-18].

Для изготовления сплавов использовали индукционную печь объемом 2,5 т., шихтовые материалы следующего состава: чушковый чугун в количестве 400 кг, феррохром (марка ФХ 100А) 300 кг, никель – от 1 до 2 кг в зависимости от состава

конечного сплава, ферромарганец – от 3 до 5 кг и электробой до 5 кг. Температура плавки составила 1400 ˚С. Выбранная температура превышает температуру полного перехода сплава в жидкое состояние на 150 – 200 градусов. Температура литья составила 1380 ˚С, которая выбрана на основании практики литья и с целью снижения объема полной литейной усадки.

Скорость охлаждения сплавов при литье в землю составила 100 ˚С/минуту, при литье в металлическую изложницу 235 ˚С/минуту. Рафинирование сплавов не проводили, очистку поверхности расплава от шлаков проводили в течение 5-10 минут после снижения температуры расплава до температуры литья. Механические свойства сплавов определяли по ГОСТ 1497-84. Структуру сплавов изучали на микроскопе марке SEM EVO Carl Ziess NA 10 при увеличениях ×500, ×2000 и ×5000

Результаты исследования и их анализ. Основной особенностью высокохромистых белых чугунов является наличие в микроструктуре легированных карбидов железа и карбидов легирующих элементов, обеспечивающих высокую износостойкость в условиях абразивного изнашивания. Количество карбидов в структуре чугуна тем больше, чем выше содержание углерода. Тип образующихся карбидов определяется соотношением содержаний хрома и углерода в чугуне. При этом максимальную износостойкость имеют чугуны, содержание углерода в которых соответствует эвтектическом, а соотношение хрома и углерода обеспечивает образование карбидов типа $(Cr, Fe)_7C_3$ и отсутствие карбидов типа $(Cr, Fe)_3C$.

Увеличение размеров карбидных включений снижает износостойкость чугуна. Степень влияния размеров карбидов зависит от условий изнашивания и характеристики абразива, что связано с влиянием этих факторов на формирование напряжений в карбидах и на распределение напряжений между карбидом и металлической основой. Крупные карбидные включения (особенно в мягкой матрице) растрескиваются и выкрашиваются под действием напряжений, создаваемых абразивной частицей, и деформаций основы. Мелкие – передают часть напряжений на металлическую основу и не разрушаются. В относительно «мягких» условиях в чугуне допустимы более крупные карбиды, в более «жестких» по скорости, твердости, остроугольности, массе абразива допустимый размер карбидов уменьшается.





Рис.2. Структура чугуна 280Х29НЛ, при увеличениях ×500, ×2000.

Для изучения микроструктуры образцов применён электронный микроскоп SEM EVO Carl Zeiss NA 10.

В частности образцы чугуна марки 280Х29НЛ, имеют в своем составе повышенное содержание серы. Сульфиды железа, образующиеся при повышенной содержании серы,

охрупчивает сплав и износ проходит с выкрашиванием карбидов.

Влияние размеров, количество и ориентации карбидов в структуре чугуна особенно существенно в условиях ударно-абразивного изнашивания. В этих условиях большое значение имеет прочность связи карбидов с матрицей и их способность равномерно распределять энергию удара абразивной частицы.






Рис.3. Структура чугуна 300Х32Н2М2ТЛ, при увеличениях ×500, ×2000.

Обнаружена зависимость износостойкости высокохромистых чугунов не только от твердости, но и от ориентации карбидов типа $(Cr, Fe)_7C_3$ по отношению к изнашиваемой поверхности детали.

Таким образом, по результатам выполненных исследований можно сделать следующие выводы:

1. Белый высокохромистый чугун марки 280Х29НЛ и 300Х32Н2М2ТЛ отливаемые в литейном производстве ПО НМЗ имеет состав близкий к эвтектическому, но склонен к хрупкому выкрашиванию. При больших увеличениях в металлической основе обнаруживаются места выкрашивания, а где выкрашивание ещё не прошло, хорошо видны сульфиды серого цвета.

2. Размеры карбидов исследуемых чугунов изменяются в широких пределах от 8,6 мкм до 31 мкм.

ЛИТЕРАТУРА

1. Гарбер М. Е. Износостойкие белые чугуны: свойства, структура, технология, эксплуатация. — М.: Машиностроение, 2010. — 280 с.

2. Kopyciński, D., Piasny, S. Influence of tungsten and titanium on the structure of chromium cast iron // Archives of Foundry Engineering. 2012, No 12(1), - P 57-60.

3. А. А. Жумаев, К.Э. Барановский, Ю. Н. Мансуров, Х.И. Ахмедов. Результаты исследования структуры отливок из белых износостойких чугунов. // Черные металлы, № 2 (1082). 2022. – С.4 – 10.

4. U. Pranav, M. Agustina, F. Mücklich. A Comparative Study on the Influence of Chromium on the Phase Fraction and Elemental Distribution in As-Cast High Chromium Cast Irons: Simulation vs. Experimentation. // Metals. 2020, No 12, - P 4-17.

5. Ponomareva A. V., Ruban A. V., Mukhamedov B. O., Abrikosov I. A. Eff ect of multicomponent alloying with Ni, Mn and Mo on phase stability of bcc Fe–Cr alloys // Acta Materialia. 2018. Vol. 150. - P. 117–129.

6. Mukhamedov B. O., Ponomareva A. V., Abrikosov I. A. Spinodal decomposition in ternary Fe–Cr–Co-system // Journal Alloys Compd. 2017. Vol. 695. P. 250–256.

7. Ali K., Ghosh P. S., Arya A. A DFT study of structural, elastic and lattice dynamical properties of Fe2Zr and FeZr2 intermetallics // Journal Alloys Compd. 2017. Vol. 723. - P. 611–619.

8. Konar B., Kim J., Jung I. Critical Systematic Evaluation and Thermodynamic Optimization of the Fe-RE System: RE = La, Ce, Pr, Nd // Journal Phase Equilibria and Diffusion. 2016. Vol. 37, Iss. 4. - P. 438–458.

9. А. А. Жумаев, Ю. Н. Мансуров, Дж. Дж. Маматкулов, К. С. Абдуллаев. Фазовые превращения в сплавах железа с углеродом, легированных редкоземельными и переходными металлами. // Черные металлы, № 11 (1067). 2020. – С.22 – 29.

10. Kolokoltsev V. M., Petrochenko E. V., Molochkova O. S. Influence of boron modification and cooling conditions during solidification on structural and phase state of heat- and wear-resistant white cast iron // CIS Iron and Steel Review. 2018. Vol. 15. - P. 11–15.

11. Барановский К.Э., Мансуров Ю.Н., Жумаев А.А., Дувалов П.Ю. Повышение ресурса работы деталей из износостойких хромистых чугунов // Металлургия: республиканский межведомственный сборник научных трудов. – Минск: БНТУ, 2019. – Вып. 40. - С. 78-83.

12. Abrikosov I. A., Ponomareva A. V., Steneteg P., Barannikova S. A., Alling B. Recent progress in simulations of the paramagnetic state of magnetic materials // Current Opinion Solid State Materials Science. 2016. Vol. 20. - P. 85–106.

13. Ahmad J. K. Melting of a new carbon –free waxed sponge iron in Electric Arc Furnace (EAF) for steelmaking // International Journal of Materials Science and Applications. 2015. Vol. 4. No. 1-2. - P. 1–6

14. Shamelkhanova N. A., Uskenbayeva A. M., Volochko A. T., Korolyov S. P. The Study of the Role of Fullerene Black Additive During the Modification of Ductile Cast Iron // Materials Science Forum. Switzerland. 2017. Vol. 891. - P. 235–241.

15. Ying Z and Hideo N. Influence of boron on ferrite formation in copper-added spheroidal graphite cast iron and its counteraction method. China Mat Sci Tech Assoc Iron Steel Technol 2014; 11: 409–416.

16. Кудря А. В., Соколовская Э. А., Ахмедова Т. Ш., Пережогин В. Ю. Информативность морфологии структур твердых сплавов для прогноза качества наплавок // Цветные металлы. 2017. № 12. - С. 78–83.

17. А.А. Жумаев, К.Э. Барановский, Ю.Н. Мансуров. Анализ микроструктуры износостойких хромистого чугунов после термической обработки // Литье и Металлургия. -Минск, 2021. -№ 1. -С. 142-148.

18. Fava, A.; Montanari, R.; Richetta, M.; Varone, A. Analysis of Relaxation Processes in HNS Due to Interstitial-Substitutional Pairs. Metals 2017, 7, 246.

19. Zhang, Y.; Li, J.; Shi, C.; Qi, Y.; Zhu, Q. Effect of Heat Treatment on the Microstructure and Mechanical Properties of Nitrogen-Alloyed High-Mn Austenitic Hot Work Die Steel. Metals 2017, 7, 94.

20. Kh. Abdel-Aziz, M.El-Shennawy, Adel A.Omar. Microstructural characteristics and mechanical properties of heat-treated high chromium white cast iron alloys. International Journal of Applied Engineering Research. Vol. 12, Number 14 (2017) pp. 4675-4686.

21. Oh, H.K.; Kim, I.W.; Park, S.M.; Hong, S.I. Stress-Strain Curves and Crack Formation in an Ingot of Stainless Steel 21-4N under High-Temperature Compression. Met. Sci Heat Treat. 2017, 59, 24–29.

22. Ko, J.Y.; Hong, S.I. Microstructural evolution and mechanical performance of carbon-containing Fe-Co-Cr- Mn-Ni-C high entropy alloys. J. Alloy. Compd. 2018, 743, 115–125.

23**.** Lu, J.; Hultman, L.; Holmstrom, E.; Antonsson, K.H.; Grehk, M.; Li, W.; Vitos, L.; Golpayegani, A. Stacking fault energies in austenitic stainless steels. Acta Mater. 2016, 111, 39–46.

УДК 711.7

НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ МАРКАЗИЙ КЎЧАЛАРДА ЧОРРАҲАЛАРНИНГ ЎТКАЗУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

Мамиров Улуғбек Хабибулаевич
Наманган вилоят транспорт бошқармаси тендерларни ўтказиш бўлим бошлиғи,
ulugbekmamirov3555@gmail.com, Тел.: +998945044333

Солиев Хайитбой Мирзадавлатович
НамМҚИ, Т.ф.ф.д., Soliev_2608@mail.ru, тел.: +998976046106

Турғунов Зокиржон Хошимбоевич
НамМҚИ, zokirjonturgunov1975@gmail.com, тел.: +998993225961

Аннотация: Наманган шаҳридаги марказий кўчаларни ўтказувчанлик самарадорлигини ошириш учун чорраҳаларни қайта такомиллаштиришда эришиладиган натижаларга оид маълумотлар келтирилган.

Аннотация: Предоставить информацию о достигнутых результатах перепланировки кварталов для эффективных программ, способных преобразить центральные улицы Намангана.

Annotation: Provide information on the achieved results of redevelopment of blocks for effective programs that can transform the central streets of Namangan.

Ключевые слова: маршрут, транспорт, город, промежуточная остановка, станция, пассажиропоток, регулярность движения.

Key words: route, transport, city, intermediate stop, station, passenger flow, traffic regularity

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”ни 36-мақсадида: Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 ноябрда жамоат транспортини ривожлантириш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги 377-сонли Қарорлари ҳамда вилоят ҳокимлигининг 2020 йил 24 декабрь кунги “Вилоят ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 430-сонли фармойиши талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, Наманган шаҳар ҳудудида тирбандликларнинг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳаракат иштирокчиларига қулай шарт-шароитлар яратиш вазифалари белгиланган [1,14].

Юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, автомобил транспортининг ривожланиши шаҳарлар қурилиши ва режалаштирилишига қуйилган транспорт талабларининг келгусида ўсишига олиб келади. Енгил автомобил йўловчисининг ҳар бирига, автобус йўловчисининг биттасига қараганда 15 баробаридан кўп юриш қисми майдони тўғри келади [2, 3].

Кўча тармоғининг эски формаси мазмунан унинг замонавий талабига мос келмайди: чорраҳаларнинг ҳаддан ташқари яқинлиги майда кварталлар билан транспорт

ўтишини қийинлаштиради ва ҳаракат тезлигини пасайтиради, марказий туманларда мумкин бўлмаган даражада маъмурий жамоат ва савдо биноларини тўплаш аҳолини катта оқимини келтириб чиқаради ва уларни ташишни ташкиллаштиришни қийинлаштиради, транспорт ҳаракатини интенсив магистраллар фронтал қурилиши аҳоли учун катта ноқулайликлар келтиради бунда шовқин, чанг, вибрация ва ҳавони чиқинди газлар билан заҳарлаш пайдо бўлади. Транспортни янги турлари ва кўча ҳаракатини катта интенсивлиги кўча тармоқларини янги режалаш формаларини ўрнатишни талаб этади [4].

Янги шаҳарларни лойиҳалашда, ва мавжуд шаҳарларни таъмирлашда бир нечта вазифалар пайдо бўлади.

Жумладан, асосий тез юрар йўлларни ва ҳаракати тўхтовсиз магистралларни, шаҳар ва шаҳардан ташқари йўллар қатновини ягона тизимли кўринишда ажратиш;

ҳаракатнинг транспорт тури ва тезлигини дифференциаллаш;


тураржой қурилиши ва пиёдаларни транспортдан изоляциялаш, кўчалардан ташқарида автотураргоҳлар барпо этишдан иборатдир [5].

Аниқ ҳисоб-китоблар асосида ҳозирги кунда Наманган шахридаги марказий кўчаларнида автомобил тарнспортини тўхтовсиз ҳаракатини ташкил этиш оид лойиҳа таклифи ишлаб чиқилди [6-12].

Чорраҳаларни такомиллаштириш И. Каримов 1-кичик туман кўчалари кесишмаси мисолида

Чорраҳанинг жорий ҳолати ***Чорраҳанинг муқобил ҳолати***





Ушбу лойиҳани амалга оширишда Наманган шахридаги Н.Намангоний, Жанубий айланма кўчаси, Косонсой кўча, А.Навоий кўчаси каби бир нечта марказий кўчаларидаги автомобил оқимини оширишда чорраҳаларни қайта такомиллаштириш, қўшимча йўл бўлагини ташкил қилиш, пиёдалар йўлагини тартибга келтириш, ақлли светофорларни қўллаш, чораҳаларда ўнг томонга ҳаракатланишида тўхтовсиз йўл бўлагини ташкил қилиш, марказий кўчаларга параллел қўшимча йўлларни ташкил этиш, марказий кўчалардаги асосий объектлар атрофида автотураргоҳларни ташкил қилиш, ер ости ва усти пиёдалар ўтиш жойларини ташкил қилиш каби илмий-амалий тадқиқот ишлари ўтказилди [7-12].

Автомобил оқимига таъсир этувчи энг асосий омиллардан бири бу чорраҳалар

ҳисобланганлиги учун чорраҳаларни қайта такомиллаштириш чора тадбирлари амалга оширилди [7-14].



Чорраҳаларни такомиллаштиришда ҳаракатланаётган автомобилларга чорраҳаларда ўнг томонга ҳаракатланишида тўхтовсиз йўл бўлагини ташкил этиш бўйича тадқиқот синовлари ўтказилди 1-2 расмлар.

Тадқиқотдан олинган натижаларга асосан 1-2 жадвалларда натижалари келтирилган

1-жадвал

Бир дона чорраҳани такомиллаштириш орқали эришиладиган натижалар

Кўчалар/Кўрсаткичлар	И.Каримов	1-кичик туман	Аэропорт кўчаси
ЖОРИЙ ҲОЛАТИ			
Полосалар сони	6	2	2
Чорраҳа фазалари сони	2 фаза		

Фазалар даври, сек	30	15	-
Йўлнинг умумий кенглиги, м	25	10	4
МУҚОБИЛ ҲОЛАТДА			
Полосалар сони	6	3 (+1)	2
Чорраҳа фазалари сони	3-фаза		
Фазалар даври, сек	1-фаза 10 2-фаза 15	3-фаза 10	-
Йўлнинг умумий кенглиги, м	29	15	8
ЖОРИЙ ҲОЛАТГА НИСБАТАН ФАРҚ (+, -)			
Полосалар сони	-	+1	+1
Чорраҳа фазалари сони	+1 фаза		
Фазалар даври, сек	+5	-	+15
Йўлнинг умумий кенглиги, м	-	+4	+8

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари кўра полосалар сони жорий ҳолат учун И.Каримов кўчасида – 6 та, 1-кичик туманда – 2 та, Аэропорт кўчасида – 2 тани ташкил этган. Ушбу кўчаларнинг муқобил ҳолатидаги полосалар сони И.Каримов кўчасида – 6 та, 1-кичик туманда – 3(+1)та, Аэропорт кўчасида – 2 тани ташкил этди.

Чорраҳа фазалари сони бўйича кўриб чиилаётган кўчаларимизда жорий ҳолат учун 2 фаза бўлган бўлса муқобил ҳолатида 3 фазани ташкил эткан.

Фазалар даври бўйича аниқланган кўрсаткичларда И.Каримов кўчасида – 30 сек, 1-кичик туманда – 15 сек, Аэропорт кўчасида – 0 сек. тани ташкил этган. муқобил ҳолатидаги кўрсаткичлари эса И.Каримов кўчасида – 1 фаза 10 сек ÷ 2 фаза 15 сек гача, 1-кичик туманда – 3 фаза 10 сек, Аэропорт кўчасида – 0 сек. тани ташкил этди.

Йўлнинг умумий кенглиги бўйича келтирилган кўрсаткичларда И.Каримов кўчаси – 25 м, 1-кичик туманда – 10 м, Аэропорт кўчасида – 4 м. ни ташкил этган. Муқобил ҳолатидаги кўрсаткичлари эса И.Каримов кўчасида – 29 м, 1-кичик туманда – 15 м, Аэропорт кўчасида – 8 м. тани ташкил этди.

Жорий ҳолатга нисбатан фарқ (+,-) И.Каримов кўчасида полосалар сони–0, чорраҳа фазалари сони – + 1 фаза, фазалар даври - + 5 сек., йўлнинг умумий кенглиги – 0 м.

1-кичик туманда – полосалар сони – +1, чорраҳа фазалари сони – + 1 фаза, фазалар даври – 0 сек., йўлнинг умумий кенглиги – +4 м.

Аэропорт кўчасида – полосалар сони – +1, чорраҳа фазалари сони – + 1 фаза, фазалар даври – 15 сек., +8 м. кўрсаткичларга нисбатан фарқланган.

2-жадвал

Такомиллаштирилгандан сўнг эришиладиган натижалар

Кўрсаткичлар	**Жорий ҳолати**	**Муқобил ҳолат**
Хизмат кўрсатиш даражаси (ЛОС)	C	A
Ўртача транспорт ушланиб қолиши (сек)	10	0
Тирбандликнинг ўртача узунлиги (м)	25	0
Тирбандликнинг максимал узунлиги (м)	40	10

Ўртача тўхташлар сони (1 автомобил учун, минут)	1.3	0.5
Транспорт воситалар сони, авто/соат	6550	7580

Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкинки, хизмат кўрсатиш даражаси (ЛОС) учун жорий ҳолатида – С бўлса, муқобил ҳолатда эса – А.

Ўртача транспорт ушланиб қолиши бўйича жорий ҳолатида – 10 сек.ни ташкил этган бўлса, муқобил ҳолатда эса – 0 сек. га тенг бўлади.

Тирбандликнинг ўртача узунлиги бўйича жорий ҳолатида – 25 м.ни ташкил қилган бўлса, муқобил ҳолатда эса – 0 м. га тенг бўлади.

Тирбандликнинг максимал узунлиги бўйича жорий ҳолатида – 40 м.ни ташкил қилган бўлса, муқобил ҳолатда эса – 10 м.га тенг бўлади.

Ўртача тўхташлар сони (1 автомобил учун, минут) жорий ҳолатида – 1.3 ни ташкил қилган бўлса, муқобил ҳолатда эса – 0.5 га тенг бўлади.

Транспорт тизими фаолияти ривожланишини таҳлил қилиш ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ривожланишидаги ўрнини баҳолашга оид кўплаб изланишлар ҳорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан амалга оширилган бўлиб, уларда транспортда ташиш қонуниятлари шаклланиши ва уни бошқариш усулларини тадқиқ этиш, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ер усти жамоат транспортини ривожлантириш шунингдек, унинг инфратузилма объектларини жойлаштириш аҳоли пунктлари ва шахар ва туманларнинг бош режалари асосида бажарилади, аҳолиси 250 минг ва ундан ортиқ бўлган шаҳарлар учун эса мавжуд жамоат транспорт тармоқларини ҳисобга олган ҳолда, энг кўп юкланган йўналиш бўйича тахминий тиғиз соатлари ва турли транспорт тизимларининг асосий кўрсаткичлари бўйича таққослаш асосида амалга ошириш имкони беради [2].

Шаҳарни таъмирлаш шароитида, мавжуд қурилишлар, транспорт хизматини ривожланган тармоғи билан, шаҳарни айрим функцияларини ривожлантириш вазифалари пайдо бўлади, транспорт бўғинларида янги муассасаларни жойлаштириш йўли билан шаҳар ва унинг атрофи аҳолисининг зарур имкониятлар пайдо бўлади. [1,2,3]

Хулоса қилиб айтганда, мазкур чорраҳа мавжуд ҳолатида 6550 та автотранспорт воситаларини ўтказиш қобилиятига эга бўлса, такомиллаштирилгандан сўнг соатига 7580 та транспорт воситаларини ўтказиш қобилиятига ошириш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.

2. Л.В.Булавина Проектрование и оценка транспортной сети и маршрутной системы в городах. Учебно-методическре пособие. Екатеринбург.: 2014.ст.75

3. В.В.Балагин. Проектирование системы маршрутов городского массового пассажирского транспорта. Методические указания к курсовому проекту по дисциплине «Организация дорожного движения». Волгоград 2011. 35 с.

4. Пассажирские перевозки В.М.Селюков – Калининград. Издателство БГАРФ 2010.

5. Автомобилные перевозки: методические указания /сост. Ю.И. Куликов. – Хабаровск: Изд-во Хабар. гос. техн. ун-та, 2005.

6. Нормирзаев А. Р. Implementation of innovative ideas in digitization of the transport sector in Namangan region //Scienceweb academic papers collection. – 2021.

7. Мамиров У., Тухтабаев М., Рахмонов Б. Важност развития проекта велодорожки в Намангане. //Естественнонаучный журнал «Точная наука». – Кемерово, 2022. Выпуск 129, – С. 12-17. www.t-nauka.ru

8. Т.ф.н., доцент А.Р. Нормирзаев, катта ўқитувчи У.Мамиров, ўқитувчи З.Турғунов. Ўзбекистон транспорт тизмини ҳозирги кундаги ҳолати таҳлили //НамМҚИ илмий-техника журнали, 23-24 сентябр, 2022 йил, 513-517.

9. Нормирзаев А.Р., Тўхтабаев М.А., Мамиров У.Х. Implementation of innovative ideas in digitization of the transport sector in Namangan region //Scientific and technical journal of NamIET / НамМТИ илмий-техника журнали. – Наманган: НамМТИ, 2021. – 6 (3), – Б. 127-132.

10. To‘xtaboev M. A., Mamirov U. X. Shaharda avtomobilda tashishda harakat muntazamligini oshirish (namangan shahri misolida) //Механика и технология. – 2022. – №. Спецвыпуск 1. – С. 101-108.

11. Тўхтабаев М. А., Мамиров У. Х., Турғунов З. Х. Жамоат транспортида йўловчи ташиш самарадорлиги //Механика и технология. – 2022. – №. Спецвыпуск 2. – С. 62-67.

12. Солиев Х. и др. Организация скоростных пассажирских маршрутов //Естественнонаучный журнал «Точная наука. – 2022. – №. 129. – С. 9-11.

13. Bahodirxon o’g S. M. et al. Shahar Jamoat Transportidan Foydalanish Sifati Va Ishonchliligini Baholashda Xorijiy Tajriba //ILM-FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY QARASHLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR. – 2022. – С. 255-258.

14. Marufkhon S. STATE OF URBAN TRANSPORT SYSTEMS AT THE PRESENT STAGE //Archive of Conferences. – 2022. – С. 14-19.

UDK 625.08

IMITATASION MODEL DASTURI ASOSIDA AVTOSERVIS KORXONALARINI JOYLASHTIRISH VAZIFASINI AMALGA OSHIRISH

Polvonov Abdujalil Sattorovich
NamMQI, t.f.n., dotsent, aspolvonov@mail.ru, Tel:974094320

Abdusattorov Nodirjon Abdujalil o`g`li
NamMQI, o`qituvchi, nabdusattorov93@mail.ru, Tel:993210244.

Soataliyev Diyorbek Bahodir ugli,
NamMQI, talaba, Tel:998061516

Annotatsiya: Maqolada imitasion model dasturi asosida avtoservis korxonalarini joylashtirshni modellashtirish jarayoni animatsiya figuralari guruhini tuzish, transport infratuzilmasini hozirgi holatini tavsifi va u asosida avtotransport vositalarini to`planishiga qarab joylashtirish variantlari tavsiya etilgan.

Аннотация: В статье рассмотрен процесс моделирования размещения предприятий автосервиса на основе имитационого моделирования, создание группы анимационных фигур, описание текущего состояния транспортной инфраструктуры, варианты размещения автомобилей на базе по скоплению транспортных средств.

Annotation: The article considers the process of modeling the placement of car service enterprises in the AnyLogic environment, creating a group of animated figures, describing the current state of the transport infrastructure, options for placing cars on the basis of the accumulation of vehicles.

Kalit so’zlar: imitatsion, jarayon, metod, model, diskret-hodisaviy, ommaviy xizmat ko`rsatish, mintaqa, tarqalish xaritasi, blok, ruxsat etilgan konsentratsiya, joylashuvi, optimallash metodi, maqsadli funktsiya, parametr, generatsiya, to`planish, optimallashtirish, optimallash vaqti, eksperiment, tarmoq, funksiya, ekologiya, ekologik zarar.

Ключевые слова: моделирование, процесс, метод, модель, дискретно-событийное, массовое обслуживание, регион, карта распределения, блок, фиксированная концентрация, местоположение, метод оптимизации, целевая функция, параметр, генерация, накопление, оптимизация, время оптимизации, эксперимент, сеть, функция, экология, экологический ущерб.

Keywords: modeling, process, method, model, discrete-event, queuing, region, distribution map, block, fixed concentration, location, optimization method, objective function, parameter, generation, accumulation, optimization, optimization time, experiment, network, function, ecology, environmental damage.

ASKni atrof-muhitga ta'sirini bir maromda taqsimlash, ekologik omillarini hisobga olgan holda dilerlik-servis tarmog'ini loyihalashda avtoservis korxonalarining joylashuvini optimallashtirish katta o`rin tutadi. Shu jihatdan AnyLogic muhitida avtoservis korxonalarini joylashtirshni modellashtirish jarayoni animatsiya figuralari guruhini tuzish, transport infratuzilmasining hozirgi holati tavsifi va u asosida avtotransport vositalarining to`planishiga qarab joylashtirish lozim bo`ladi.

AnyLogic–bu imitatatsion model dasturi bo`lib, diskret-hodisaviy va uzluksiz barcha mavjud yo`nalishlarini yagona platformada ushlab turadi. U rivojlangan bazaviy diskret va aralash diskret-uzluksiz modellashtirish tiliga ega, uning asosida Enterprise Library kutubxonasi yaratilgan [**Ошибка! Источник ссылки не найден.**]. Uning yordamida ommaviy xizmat ko`rsatish tizimini yaratish mumkin. Chunki buyurtmalar oqimining paydo bo`lishi va ularga avtoservis korxonalari tomonidan xizmat ko`rsatish jarayoni ommaviy xizmat ko`rsatish tizimiga o`xshaydi, shuning uchun modelni loyihalashda diskret-hodisaviy yo`nalishdan foydalanish maqsadga muvofiq bo`ladi. [1].


Avtoservis tizimini modellashtirishda quyidagi bloklarni ishlatish maqsadga muvofiq bo`ladi [2]:

1) Network–transport tarmog`ini beradi (yo`llar yig`indisi, chorrahalar, tugunlar, avtoservis korxonalari, ATV ni to`planish joylari (avtoturar joylar, garajlar, hovlilar));
2) NetworkResource – avtoservis tarmog`i korxonalarini ta`riflaydi;
3) Source – avtomobillarga xizmat ko`rsatishni generatsiyalaydi;
4) NetworkEnter – tarmoqda buyurtma paydo bo`lish joyini ko`rsatadi;
5) NetworMoveTo – avtoservis korxonalarida buyurtmalarni tarqatadi;
6) Queue – xizmat ko`rsatishga navbatni modellashtiradi;
7) Delay–berilgan vaqtga buyurtmani to`xtatadi (ASK da avtomobillarga xizmat ko`rsatishni imitatsiya qiladi;
8) NetworkExit – transport tarmog`idan buyurtmani olib tashlaydi;
9) Sink – buyurtmani bartaraf qiladi (buyurtmalar oqimini yakuniy nuqtasi).

AnyLogic muhitida avtoservis korxonalarini joylashtirshni modellashtirish jarayoni animatsiya figuralari guruhini tuzishdan boshlanadi, u transport infratuzilmasini hozirgi holatini tavsiflaydi (yo`llar, chorrahalar, avtomobillarni to`planish joylari, avtoservis korxonalarini to`planishi mumkin bo`lgan joylar). Yo`l tarmog`i PolyLine asbobi yordamida yaratiladi (Siniq); chorrahalar, avtoservis korxonalari va avtomobillarni to`planish joylari Rectangle asbobi yordamida (To`g`riburchak) yaratiladi (1-rasm) [3].

Yuqorida bayon etilgan bloklardan foydalanib, transport tarmog`i tarkibi tasvirining

animatsiyasi yaratilgan. Transport tarmog`i figuralariga ixtiboslik Network blokini ko`rsatadi. Bu yerda avtomobil harakatini tezligi beriladi: speed = $k \cdot \nu$, bu yerda k – haqiqiy tezlikni modelliga aylantiruvchi koeffitsiyent (k = 1700, tadqiqot yo`li bilan hisoblanadi), $\nu$ – avtomobil harakatini o`rtacha tezligi (ν = 40 km/s).



1-rasm. Transport tarmog`i modeli parchasi

Source blokida buyurtmalar oqimi generatsiya qilinadi. Buyurtmalarni paydo bo`lish chastotasi formulasi quyidagi ko`rinishda oladi:

$$\text{interarrivalTime} = poisson\left(\frac{a \cdot b \cdot c}{Lambda(p)}\right),$$

bu yerda a –bir kunda avtomobillar to`planishini $p$-li joyida o`rtacha murojaatlar soni, $a = 0.018$; b – haqiqiy vaqtni modelliga aylantiirsh koeffitsiyenti (b =2357, tadqiqot yo`li bilan hisoblanadi); $c$ – $i$-oyida bir kunlik murojaatlar sonini o`zgarishi; $Lambda(p)$ – avtomobillar to`planishini p-li joyda avtomobillar soni.

Network Enter blokida tarmoqda buyurtma paydo bo`lish joyi ko`rsatiladi: dest = animation.restangle (q), bu yerda restangle (q)–q-li buyurtma hosil bo`lish manbai.

NetworMoveTo bloki tarmoq bo`yicha avtomobillarni to`planish joyidan avtoservis korxonasiga olib boradi: dest=animation.autoservice(y), bu yerda autoservice(y) –buyurtma paydo bo`lishni q-li joyi uchun yaqindagi y-li avtoservis korxonasi.


Delay blokida buyurtmaga xizmat ko`rsatiladi. Unda postlar soni va buyurtmaga xizmat ko`rsatish vaqti ko`rsatiladi: delayTime = exponential(time(j)), bu yerda time(j) – j-tyridagi ATVga xizmat ko`rsatishni o`rtacha vaqti.

Avtoservis xizmatiga talabni paydo bo`lishi manbai N uchun model tarkibi va avtoservis korxonasi M 2-rasmdagi ko`rinishni oladi.


Generatsiylashgan buyurtma (avtomobil) buyurtma paydo bo`lishini $i$-li joyidan (Source) yaqindagi $j$-li avtoservis korxonasiga xizmat ko`rsatish uchun j-li Enter blokidagi i-li Exit bloke orqali o`tadi. Buyurtma oqimini paydo bo`lishini har bir manbai uchun yaqindagi avtoservis korxonasini aniqlash uchun model quyidagi bloklarni qo`llash bilan amalga oshirilgan (3-rasm):

1) NetworkSeizeQ – statistic ko`rinishdagi yaqindagi resurslar bilan shug`ullanadi (avtoservis korxonalari);

NetworkRelease – statistic resurslarni ozod qiladi.



2-rasm. Avtoservis tizimini faoliyat ko`rsatishi modeli AnyLogic da amalga oshirilishi.




3-rasm. talablar paydo bo`lishini har bir manbai uchun ASK aniqlash modeli

AnyLogic muhitida modelni yaratish jarayonini blok-sxemasi 4-rasmda keltirilgan.

Eksperiment o`tkazishda material vositalari xarajatlarini va vaqtni kamaytirib uni samaradorligini oshirish maqsadida eksperiment rejasini tuzish lozim. Eksperimentlarni rejalashtirish nazariyasiga muvofiq faol va passiv eksperimentlarni ajratish mumkin [5].

Faol eksperiment tadqiqot vazifasini tez va samarali yechishga imkon beradi, lekin murakkab, katta material xarajatlarni talab qiladi va texnologik jarayonni borishiga xalaqit berishi mumkin. Ba`zan faol eksperiment o`tkazish imkoniyati yo`q. Shunga qaramasdan uning afzalligini hisobga olib faol eksperimentga ustvorlik beriladi.



4-rasm. ASK ni joylashuv blok-sxemasi

Faol eksperiment 2^k turidagi to`la omillieksperiment metodi bilan o`tkazildi [4].

To`la omilli rejalashtirish matritsasi, bunda omillarni kodlangan miqdori ishlatilagan: +1 и -1, 1-jadvalida keltirilgan.

1-jadval

2^k Eksperimentini rejalashtirish matritsasi

Iteratsiya №	x_1	x_2	…	x_k	y
1	-1	-1	…	-1	y_1
2	-1	+1	…	+1	y_2
…	…	…	…	…	…
N-1	+1	+1	…	-1	y_{N-1}
N	+1	+1	…	+1	y_N

Tola omilli eksperiment ASK ni hududiy joylashuvini har bir q-li rejasi uchun o`tkazildi, u uchun eksperimentni $k_q$ omillar soni aniqlangan. Shunday qilib, bunday qarashni iteratsiya soni formula bo`yicha hisoblanadi: $N = \sum_{q=1}^{P} 2^q$, bu yerda P–joylashtirishni oxirgi rejasidagi avtoservis korxonalar soni (ASK larni maksimal soni). N sonini kamaytirish uchun har bir

keying rejaga bitta korxonani emas, balki, korxonalar yig`indisini qo`shish lozim. Qo`shiladigan korxonalarni joylashgan joyi va soni ifloslantiruvchi moddalar tarqalish xaritasiga muvofiq aniqlanadi, bunda ifloslantiruvchi moddalar konsentratsiyasini ruxsat etilgan konsentratsiyaga nibati 0,1 qadamda bo`lishi lozim. Bunday cheklanishlarda natijalar aniqligi 0,1 ga pasaydi, lekin, shu bilan birga iteratsiya soni qisqaradi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, ishlab chiqilgan imitatsiya modeli shahar korxonalari va avtomobil transporti chiqindilari bilan atmosfera havosining ifloslanishini jamlama hisob-kitoblarni amalga oshirishda va ularni avtoservis korxonalarini hududiy joylashtirishni optimallashtirish istiqbollari nuqtai nazaridan emissiyalarni normallashtirishda qo`llanilishi mumkin. Bunda korxonalarning atmosfera ifloslanishiga ruxsat etilgan hissasi, yer usti konsentrasiyalari uchun kvota maydonlarini hisobga olgan holda, fon konsentrasiyalari, optimallashtirish va boshqa korxonalarning emissiyasi natijasida atmosfera holatidagi o'zgarishlarni hisobga olgan holda minimallashtiriladi.

ADABIYOTLAR

1. Карпов, Ю. Имитационное моделирование систем. Введение в моделирование с Any Logic 5 / Ю. Карпов. – СПб.: БХВ-Петербург, 2006. – 400 с.:ил. ANYLOGIC: Учебное пособие по Enterprise Library / СПб: ООО «Экс Джей Текнолоджис», 2005. – 117 с.

2. Адлер, Ю.П. Планирование эксперимента при поиске оптимальных условий. Издание второе переработанное и дополненное / Ю.П. Адлер, Е.В. Маркова, Ю.В. Грановский. – М.: «НАУКА», 1976. – 279 с.

3. Кобелев, Н.Б. Качественная теория больших систем и их имитационное моделирование: пособие для разработчиков имитационных моделей и пользователей / Н.Б. Кобелев. — М.: ООО «Принт-Сервис, 2009. – 86 с.

4. Карпов, Ю. Имитационное моделирование систем. Введение в моделирование с Any Logic 5 / Ю. Карпов. – СПб.: БХВ-Петербург, 2006. – 400 с.:ил.

5. ANYLOGIC: Учебное пособие по Enterprise Library/СПб: ООО «Экс Джей Текнолоджис», 2005. – 117 с.

6. Маврин, В.Г. Моделирование проектирования сети предприятий легкового автомобильного сервиса / В.Г. Маврин, И.В. Макарова, Р.Г. Хабибуллин//Современные информационные технологии в науке, образовании и практике: материалы VIII всероссийской научно-практической конференции (с международным участием) – Оренбург: ИПК ГОУ ОГУ, 2009. – С. 570-573.

7. Славутский, Л.А. Основы регистрации данных и планирования эксперимента: Учебное пособие / Л.А. Славутский. – Чебоксары: ЧГУ, 2006. – 200 с.

8. Sharipov K. A., Polvonov A.S., Abdusattorov N. A. Problems of restoring the beds of main bearings and studying the deformation-strength properties of polyurethane adhesives. International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) DOI:10.9756/INTJECSE/V14I7.50 ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 07 2022

9. Sharipov K. A., Abdusattorov N. A. Avtiservis korxonalarida ekologik menejment tizimini ishlab chiqish. Global Symposium on Humanity and Scientific Advancements Hosted From Jacksonville Florida, USA https://conferencepublication.com. May 30th 2022.

10. Polvonov A.S., Abdusattorov N. A. Ways to improve car service enterprises. Global Symposium on Humanity and Scientific Advancements Hosted From Jacksonville Florida, USA https://conferencepublication.com May 30th 2022.

11. Polvonov A.S., Abdusattorov N. A. Avtoservis korxonalarini takomillashtirish yo`llari. International Conference on Research in Humanities, Applied Sciences and Education

Hosted from Berlin, Germany https://conferencea.org June 30th 2022.

12. Polvonov A., Abdusattorov N. Problems of restoring the beds of main bearings and studying the deformation-strength properties of polyurethane adhesives. international journal of early childhood special education (int-jecse) doi:10.9756/intjecse/v14i7.50 issn: 1308-5581 vol 14, issue 07 2022.

13. Sharipov K. A., Polvonov A., Abdusattorov N. Theoretical aspects of territorial location modeling of automobile service enterprises. The Seybold Report ISSN 1533-9211 Doi 10.5281/zenodo.6969377.

14. Polvonov A.S1., Boydadayev M. B2., Nasriddinov A. S3., Abdusattarov N. A4. Theoretical preconditions for increasing the durability of the positions of indigenous bearings depending on the heat conductivity of connections. PalArch's Journal of Archeology of Egypt/Egyptology. ISSN 1567-214X. PJAEE, 17 (6) (2020).

15. Количество автомобилей в России / «Автостат», 2009. – URL: http://www.autostat.ru/view.asp?t=1&n=7. Дата обращения: 16.11.2009.

16. Кобелев, Н.Б. Основы имитационного моделирования сложных экономических систем: Учеб. пособие / Н.Б. Кобелев. – М.: Дело, 2003. – 336 с.

17. Кельтон, В. Имитационное моделирование. Классика CS. 3-е изд. / В. Кельтон, А. Лоу – СПб.: Питер; Киев: Издательская группа BHV, 2004. – 847 с.: ил.

18. Shannon, Robert E. Systems simulation – the art and science / Robert E. Shannon. – Prentice-Hall, Inc., Englewood Cliffs New Jersey USA, 1975.

19. Кобелев, Н.Б. Качественная теория больших систем и их имитационное моделирование: пособие для разработчиков имитационных моделей и пользователей / Н.Б. Кобелев. — М.: ООО «Принт-Сервис, 2009. – 86 с.

20. Laguna, M. and Marti R. (2002) «The OptQuest Callable Library», Optimization Software Class Libraries, Stefan Voss and David L. Woodruff (Eds.) 193-218, Kluwer, Boston.

21. Glover F.(Ed.) Tabu search methods for optimization. Feature Issue of Europen J. Oper. Res. v106 (1998), № 2–3. ANYLOGIC: Руководство пользователя / СПб: ООО «Экс Джей Текнолоджис», 2005. – 440 с.

UDK 711.7

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ЙЎЛ БЎЛАГИ (BRT ТИЗИМИ)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ

(Наманган шаҳри мисолида)

Мамиров Улуғбек Хабибулаевич
Наманган вилоят транспорт бошқармаси тендерларни ўтказиш бўлим бошлиғи,
ulugbekmamirov3555@gmail.com tel.: +998945044333

Солиев Хайитбой Мирзадавлатович
НамМҚИ, Т.ф.ф.д., Soliev_2608@mail.ru, тел.: +998976046106

Турғунов Зокиржон Хошимбоевич
НамМҚИ, zokirjonturgunov1975@gmail.com, тел.: +998993225961

Аннотация: Наманган шаҳридаги марказий кўчаларни ўтказувчанлик самарадорлиги ошириш учун BRT тизими ташкил этишда эришиладиган натижаларга оид маълумотлар келтирилган.

Аннотація: Информация о достигнутых результатах по созданию системы BRT для обеспечения проходимости центральных улиц города Намангана.

Annotation: Information on the results achieved in the creation of the BRT system to ensure the patency of the central streets of the city of Namangan.

Калит сўзлар: BRT тизими, интервал, ҳаракат мунтазамлиги, йўл бўлаклари, йўналиш, транспорт, шаҳар, оралиқ тўхташ, бекат, йўловчи оқими.

Ключевые слова: Система BRT, трафик, местоположение, транспорт, город, интервалы, станция, общественный поток.

Key words: BRT system, traffic, location, transport, city, intervals, station, public flow.

Кириш. Шаҳарлардаги транспорт тизимлари тобора мураккаб ҳолатга олиб келаётганлиги сабабли, ривожланаётган мамлакатларда шаҳарлар аҳоли ва иқтисодий ўсиш, технология ва сиёсат билан боғлиқ бўлган тез кенгайишни бошдан кечирмоқда, шу билан бирга, жамоат транспорт инфратузилмаларини яхшилаш борасида кенг кўламда амалий ишлар олиб борилмоқда. Бироқ, ривожланаётган мамлакатларда фуқаролик инфратузилмаси кўпинча етарли эмас, давлат харажатлари кам, шунингдек, мамлакатлардаги транспорт тизимлари тирбандлик, ёмон хизмат кўрсатиш, юқори бахтсиз ҳодисалар, ҳаво ва шовқин ифлосланишидан азият чекмоқда [1-2].

Шу билан бирга, ривожланаётган мамлакатларда шахсий транспорт воситаларидан фойдаланиш кўпайиб бормоқда, чунки ривожланаётган мамлакатларда даромадлари сўнгги ўн йилликларда тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Юқоридаги камчиликларни қисман бартараф этишда ривожланаётган мамлакатларда BRT тизимлари қўллаш афзалроқ эканлиги, чунки уларнинг арзонлиги ва электр таъминотидан мустақиллиги, бу энергия танқислиги бўлган мамлакатлар учун муҳим саналади [1-5].

Шаҳарнинг транспорт тизимидаги тенгликни қўллаб-қувватлаш, транспорт шароитларини яхшилаш ва транспорт барқарорлигини рағбатлантириш мақсадида BRT линиясининг муваффақиятли ташкил этиш лойиҳаси намуна сифатида келтирилган бўлиб, режалаштириш ҳаракатларининг бир қисми шаҳардаги саёҳат моделлари ва саёҳатчиларнинг афзалликларини тушунишга қаратилган;

BRT тизимлари шаҳарларда транспорт ва ҳаракатланиш шароитларини яхшилайди, моторизация таъсирини камайтиради ва саёҳатчиларга юқори сифатли, аммо тежамкор хизматларни таклиф қилади ва инвестиция харажатлари билан юқори қувватни бирлаштиради, шунинг учун улар ривожланаётган мамлакатларда оддий тизимлардан афзалроқдир [3].

Ҳар қандай аҳоли яшаш жойларининг сифати жамоат транспорти йўналишлари билан баҳоланади. Шунинг учун, жамоат транспорт йўналишларини жойлаштиришда ҳудудларнинг географик хусусиятлари, геологик, тапографик ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли яшаш жойларини режалаштириш ва ривожлантириш лойиҳаларини тайёрлаш қуйидаги босқичларда амалга оширилади: Ривожланишни техник-иқтисодий асослари; бош режа; биринчи босқич қурилишни режалаштириш ва бошқалар.

Ушбу босқичларни турли даражада ўрганиш билан жамоат транспортида йўловчи ташиш масалалари кўча ва йўлларни тартибга солиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилади. Шундай қилиб, техник-иқтисодий ривожланиш босқичида – аҳоли яшаш жойларини ривожлантиришда шаҳарнинг мамлакатнинг турли минтақалари билан транспорт алоқаларини ҳисобга олинади. Бош режанинг босқичида эса, транспорт тармоғи

йўналишларини белгилаш вазифалари, лойиҳалаштирилаётган транспорт ишлари ва бошқалар ҳал қилинади. Аҳоли яшаш жойларида (марказий шаҳарларда) жамоат транспортида йўловчи ташиш тизимини ривожлантириш комплекс йўналишларни ўз ичига олади. Давлат дастурини ижросини таъминлаш бўйича ҳудудларда жамоат транспорт тизимини ривожлантириш талаб этилади. Шунингдек, автоматик тўлов турини жорий қилиш, бўйича биринчи навбатда Гулистон Қарши ҳамда Ургенч шаҳарларда ишга туширилди, Республикамизнинг вилоятларидаги барча шаҳарларда йил якунига қадар ишга тушириш режалаштирилган.

Юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, автомобил транспортини ривожланиши шаҳарлар қурилиши ва режалаштирилишига қуйилган транспорт талабларини келгусида ўсишига олиб келади. Енгил автомобил йўловчисининг ҳар бирига, автобус йўловчисининг биттасига қараганда 15 баробаридан кўп юриш қисми майдони тўғри келади.

Кўча тармоғининг эски формаси мазмунан унинг замонавий талабига мос келмайди: чорраҳаларни ҳаддан ташқари яқинлиги майда кварталлар билан транспорт ўтишини қийинлаштиради ва ҳаракат тезлигини пасайтиради, марказий туманларда мумкин бўлмаган даражада маъмурий жамоат ва савдо биноларини тўплаш аҳолини катта оқимини келтириб чиқаради ва уларни ташишни ташкиллаштиришни қийинлаштиради, транспорт ҳаракатини интенсив магистраллар фронтал қурилиши аҳоли учун катта ноқулайликлар келтиради бунда шовқин, чанг, вибрация ва ҳавони чиқинди газлар билан заҳарлаш пайдо бўлади.

Транспортни янги турлари ва кўча ҳаракатини катта интенсивлиги кўча тармоқларини янги режалаш формаларини ўрнатишни талаб этади [1-5].

Янги шаҳарларни лойиҳалашда, ва мавжуд шаҳарларни таъмирлашда бир нечта вазифалар пайдо бўлади.

Жумладан, асосий тез юрар йўлларни ва ҳаракати тўхтовсиз магистралларни, шаҳар ва шаҳардан ташқари йўлларни қатновини ягона тизимли кўринишда ажратиш;

ҳаракатни транспорт тури ва тезлигини дифференциаллаш;

тураржой қурилиши ва пиёдаларни транспортдан изоляциялаш, кўчалардан ташқарида автотураргоҳлар барпо этишдан иборатдир [1-5].

Ўрганиш натижасига кўра автобуслар фаолият юритаётган Наманган шаҳридаги жами 37 та автобус йўналишларидан 21 та йўналиш А.Навоий кўчасида орқали ўтган бўлиб, уларнинг бир-бирини босиб ўтаётган 2 та йўналишни Б.Машраб кўчаси орқали, 1 та йўналишни Ҳамроҳ кўчаси орқали, 1 та йўналишни Тўрақўрғон кўча орқали, 1 та йўналишни Ахси кўча орқали юргизиш бўйича таклифлар тайёрланди.


Ушбу ўзгартиришлар натижасида А.Навоий кўчаси орқали 9 та автобус йўналиши тўлиқ ҳаракатланади, 7 та йўналишлар эса қисман босиб ўтади. Шунингдек, Б.Машраб кўчаси орқали 3 та автобус йўналиши, Н.Намонгоний кўчаси орқали 2 та йўналиш, Ҳамроҳ кўчаси орқали эса 3 та йўналиш ҳаракатланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Наманган шаҳар А.Навоий кўчаси бўйлаб ажратилган полоса бўйича тезлик йўли (Bus rapid transit – BRT) ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу билан Наманган шаҳридаги йўловчи ташувчи автобусларни йўналишларда ҳаракатланишида, ҳаракат жадвалларига ва йўловчиларни шаҳар кўчалари бўйлаб тўла ташилишига эришилади.

Аниқ ҳисоб-китоблар асосида ҳозирги кунда Наманган шахридаги марказий кўчаларида автомобил транспортини тўхтовсиз ҳаракатини ташкил этиш оид лойиҳа

таклифи ишлаб чиқилди.




1-расм. Наманган шаҳридаги BRT тизимини ташкил этиш учун таклиф этилаётган А.Навоий кўчаси схемаси [6].

Ушбу лойиҳани амалга оширишда Наманган шаҳридаги Н.Намангоний, Жанубий айланма кўчаси, Косонсой кўча, А.Новоий кўчаси каби бирнечта марказий кўчаларидаги автомобил оқимини оширишда чорраҳаларни қайта такомиллаштириш, қўшимча йўл бўлагини ташкил қилиш, пиёдалар йўлагини тартибга келтириш, ақлли светофорларни қўллаш, чорраҳаларда ўнг томонга ҳаракланишида тўхтовсиз йўл бўлагини ташкил қилиш, марказий кўчаларга параллел қўшимча йўлларни ташкил этиш, марказий кўчалардаги асосий обектлар атрофида автотурагохларни ташкил қилиш, ер ости ва усти пиёдалар ўтиш жойларини ташкил қилиш каби илмий-амалий тадқиқот ишлари ўтказилди.

Автомабил оқимига таъсир этувчи энг асосий омиллардан бири бу қўшимча йўл бўлагини ташкил қилиш ҳисоблангалиги учун чора тадбирлари амалга оширилди [7-10].

Шунга кўра марказий шаҳарларда BRT тизимини ташкил этиш режалаштирилган. Автобус тезкор транзити (BRT) тизимлари сўнгги йигирма йил ичида юқори даражадаги хизмат кўрсатиш тизимлари учун муқобил дизайн сифатида пайдо бўлди. BRT тизимлари биринчи бўлиб Лотин Америкаси шаҳарларида ривожланди (Ҳидалго ва Графтио, 2008 йил) Жанубий ва Шарқий Осиёга, кейин эса бутун дунёга тарқалгунга қадар (Ҳидалго ва Графтиеаух, 2013 йил) [2-5].

BRT тизимлари сезиларли даражада юқори инвестициялар ва узоқроқ амалга ошириш вақтини талаб қиладиган темир йўл билан боғланган тизимларга юқори сиғимли алтернативани таклиф қилади. Ривожланаётган мамлакатларнинг йирик шаҳарларида, биринчи навбатда Лотин Америкаси ва Жанубий Осиёда, BRT оммавий жамоат транспорти тармоғининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бундан фарқли ўлароқ, ривожланаётган мамлакатларнинг шаҳар марказларида BRTни жорий этиш сезиларли ўзгаришларни намоён этади. Кундалик иш вақти эрталаб соат 6^{00} дан 19^{00} гача BRT йўли бўйлаб бош бекатлар ва автобус тўҳташ жойлари орасидаги масофа Наманган шаҳрида ўртача 600-700 метрни ташкил этади. BRT тизимини лойиҳалаётган А.Навоий кўчаси умумий узунлиги 3870 метрни лойиҳаланадиган қисми эса ўртача 2500-3000 метрни



2-расм. Наманган шаҳри А.Навоий кўчасида таклиф этилаётган BRT тизими лойиҳа таклифи

ташкил этади. BRT тизими қатнов қисмининг ўнг томонида жойлашган бўлиб, бошқа бўлаклардан битта оқ сидирға чизиқ билан ажралиб туради, BRT тизими деярли автомобил йўлининг учдан бир қисмини ташкил этиб, қолган икки қатор бошқа турдаги енгил автомобиллар учун мўлжалланган [11-17].

BRT хзматини жорий этилиши мавжуд автобус тармоғини капитал таъмирлаш билан бирга автобус тармоғини янги BRT линияларига мослаштириш мақсадида интеграциялашган тизим таклиф қилинади. Бу билан бир бирини такрорловчи йўналишларни бекор қилиш, рақобатлашувчи йўналишларни қайта йўналтириш, янги йўналишларни очиш, мавжудларини ҳаракат интервалини камайтириш, маршрутларни узайтириш ва уларни асосий қон томир йўналишларга айлантириш ва хизмат кўрсатишни кенгайтиришни ўз ичига олади.

Бинобарин, автобус хизматлари учун маршрут тизими, кутиш вақти ва хизматларнинг ўз вақтида бажарилиши такомиллаштирилиши керак бўлган энг муҳим омиллардир. Бундан ташқари, автобус тезлиги ва йўлкира нархи баъзи иштирокчилар

томонидан муҳим деб ҳисобланган. Бу омилларнинг барчасини яхшилаш керак, чунки саёҳатчиларнинг катта қисми (73,0%) ишга бориш учун жамоат транспорт хизматларидан фойдаланади. Саёҳатчиларнинг фикрига кўра, тезкор транзит автобус йўналишларини жорий этиш тизимда сезиларли даражада яхшилаш ҳаракати ҳисобланади.

Наманган шаҳридаги А.Навоий кўчасидан ҳаракатланадиган 24 та автобус йўналишларини BRT тизимини ташкил этиш бўйича капитал таъмирлашда 14 таси схемаларига ўзгартиришлар киртилиши лозим деб топилди. Жумладан, 22 та йўналишлар ўзгаришсиз қолдириш, 7 та йўналишлар ҳаракатдаги кўчалари бошқа кўчаларга ўтказиш, 9 та йўналишлар харакат схемалари узайтириш, 3 та йўналишлар ҳаракат схемалари иккига ажратиш ҳамда 1 та йўналишни бекор қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳар бир BRT тизимида фаолият юритувчи жамоат транспортларини жойлаштириш автоматик йўловчи ҳисоблагичи ва GLONASS/GPS тизимини ўрнатиш ва автоматик тўлов тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хизматнинг ишончлилиги нафақат йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини белгиловчи асосий омил, балки транспорт воситаларининг саёҳат вақтининг ўзгарувчанлиги автокорхона талабларига таъсир қилувчи мухим омил ҳисобланиб, BRT тизимини жорий қилишдан олдин, автокорхона ҳажмини аниқлаш учун саёҳат вақтларини ҳисоблаш керак бўлади. Микроскопик симулияцияси модели ёрдамида йўналишлар учун умумий саёҳат вақтлари қуйдагича баҳоланади: (саёҳат вақтини ҳисоблашда GeoTreker программаси орқали ҳисобланган натижалар киритилади). -13-сонли 1-кичик туман-Чорсу автобус йўналиши ҳаракат вақти 48 минут, техник тезлиги эса 19 км/соатни (3-расм); 5-сонли Нуробод-Чорсу автобус йўналиши ҳаракат вақти 50 минут, техник тезлиги 22 км/соат (4-расм);



3-расм. Наманган шаҳридаги мавжуд 13-сонли 1-кичик-туман-Чорсу автобус йўналишлари кўрсаткичлари



4-расм. Наманган шаҳридаги мавжуд 5-сонли Нуробод-Чорсу автобус йўналишлари кўрсаткичлари

ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилган. Мана шу вазифаларни амалга оширишда, жумладан пахтани ишлаб чиқариш жараёнига ташиш ва ҳаводан пахтани ажратишнинг самарали технологиясини яратиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Асосий қисм

Пахта тозалаш корхоналарида пахта хомашёсини ғарам майдонларидан пневмотранспорт тизими ёрдамида ишлаб чиқаришга узатиш жараёнида пахта ва унинг маҳсулотларини пневмотранспорт қувури ва пневмотранспорт элементларининг ишчи органлари билан ўзаро таъсирлашуви натижасида шикастланиш ҳолатлари юзага келмоқда.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили натижасига кўра 1,2-1,7 фоиз чигитнинг шикастланиш ҳолатлари пахта бўлакчаларини ҳаво ёрдамида ташувчи пневмотранспорт қувурлари ичидаги ҳаракати давомида қувур деворларига урилиб ҳарактланиши оқибатида содир бўлар экан. Бу эса ўз навбатида пахта толасида 0,3-0,4 фоиз гача нуқсонлар (чигит қобиғи қолдиқлари) нинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Ушбу кузатиладиган камчиликларни аниқлаш мақсадида пахта тозалаш корхонларидаги мавжуд пневмотранспорт қувурларида ҳаво ёрдамида пахтани ташиш жараёнида зарбаланиш жараёни ўрганилди.

Бундан ташқари пахтани ҳаво билан ташувчи қурилманинг асосий элементларидан бири бўлган пахтанинг такибидан оғир аралашмаларни ажратиб олувчи тоштутгич қурилмаларида ҳам чигитнинг шикастланиши юз бериш ҳолатлари аниқланди.

Бу жараён асосан юқори ҳаво оқими таъсирида тоштутгич ишчи камерасига кириб келган пахтанинг кириш қувури қаршисидаги метал деворга бориб урилиши натижасида содир бўлар экан. Бунда дастлаб пахтанинг цилиндрик тоштутгичнинг ишчи камераси деворига урилиши натижасида ҳосил бўладиган зарба кучи таъсирида чигит шикастланиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида ARDUINO маркали зарба кучини аниқловчи датчикдан фойланилди. Бунда прибор ҳар бир секунд оралиғида пахтани ҳаво билан бирга тоштутгич деворига бераётган зарба кучини кўрсатди (1-жадвал).


1- жадвал

Вакт (секунд)	1	2	3	4	5	6	7	8
Куч (Ньютон)	2,01	2,74	2,82	2,58	2,12	2,35	1,82	2,02

ARDUINO прибори ёрдамида амалдаги тоштутгич қурилмасида пахта хомашёсини ҳаво билан биргаликда тоштутгич деворига кўрсатаётган зарба кучини аниқлашимиз мобайнида юқоридаги жадвалда кўриниб турганидек, ҳар бир оралиғида зарба кучини қиймати турлича.

Чунки тоштутгич деворига келиб урилаётган пахта хомашсининг миқдори ва унинг таркибидаги оғир аралашмалар ва метал пачаларининг даражаси ҳар хиллигидадир. Ўлчаш натижаларини график кўринишида тасвирласак қуйидаги графикларга эга бўламиз (1-расм).

1-расмдаги графикдан кўриниб турибдики вақт бирлиги (1 секунд) ичида амалдаги тоштутгич қурилмасида ҳаво билан бирга таркибида оғир аралашмалар ва метал парчалари бўлган пахта хомашёсининг тоштутгич деворларига кўрсатаётган таъсири ўзгариб турибди.



1-расм. Амалдаги тоштутгич қурилмасида зарба кучини графикларда кўриниши

Тоштутгичнинг кириш қувури қаршисидаги деворига пахтанинг бориб урилиши натижасида чигит шикастланиш даражасини аниқлаш мақсадида лаборатория шароитида тажрибалар ўтказилди (2-расм).



2-расм. Амалдаги тоштутгичларда шикастланган чигитларнинг ҳолати

Бунинг учун амалдаги тоштутгич қурилмасидан кейин пахта хомашёсидан намуна олиниб унинг чигити механик таъсирларсиз толасидан ажратиб олинди.

Бунда толасидан ажратиб олинган чигитдан 50 гр намуна олиниб махсус кислота ёрдамида колба идишда туксизлантириб олинди. Шундан сўнг туксизлантирилган чигитлар ичидан шикастланган чигитлар саралаб териб олиниб лаборатория тарозиси ёрдамида массаси 1,63 грамга тенглиги аникланди. Олинган умумий 50 грам чигит массасига нисбатан шикастланган чигитларнинг массаси нисбати олиниб шикастланиш даражаси 3,3 % га тенглиги аниқланди.

Такомиллаштирилган конструкциядаги такомиллаштирилган тоштутгич қурилмаси геометрик шакли жихатидан амалдаги тоштутгич конструкцияларига ўхшаш бўлиб, тузилиши содда, ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун қулай ҳамда зарур ҳолларда ишчи қисмларини алмаштириш ёки геометрик параметрларини ўзгартириш имконияти мавжуд (3-расм).



3-расм. Тола ва чигит шикастланишини олдини олиш мақсадида ўрнатилган резина парраклар

Такомиллаштирилган конструкциядаги тоштутгич қурилмасининг вазифаси пахта тозалаш корхоналарида пахта хомашёсини табиий хусусиятларини сақлаган ҳолда унинг таркибидан оғир ва бегона аралашмларни шунингдек, метал парчаларини юқори самарадорликда ажратиб олиб уларни тоштутгич ишчи камерасидан ўз вақтида узлуксиз чиқариб юбориш ҳамда пахтани тоштутгич ишчи камерасидан юқори ҳаво тезлиги билан ўтиш пайтида тўғридан-тўғри бориб кириш қувури қаршисидаги деворга бориб урилиб зарбаланиши натижасида чигит шикастланишини олдини олиш. Бундан ташқари пахта тозалаш корхоналарида пахтани тозалаш жараёнида тола йўқолишини оллдини олиш яъни, пахта таркибидан ажралаётган бегона аралашмалар таркибига қўшилиб тоштутгич чўнтагига тушиб қолаётган пахта бўлакчасини ифлосликларга қўшилиб кетиш

ҳолатларини бартараф қилиш.

Такомиллаштирилган конструкциядаги тоштутгич қурилмасида кириш қувури қаршисидаги деворга резина парракли магнитли барабан ўрнатиш орқали пахта хомашёси таркибидан метал парчаларини ажратиб олиш билан бир қаторда пахтани тўғридан-тўғри бориб урилиши натижасида зарбаланиб тола ва чигит шикастланишини олдини олишга эришилди (3-расм).

Ўрнатилган резина парраклар юқори ҳаво тезлигида кириб келаётган пахта тоштутгичнинг метал деворларига урилиб зарбаланиш даражасини ошишини олидини олиб парракларга урилиши натижасида пахтанинг тоштутгич деворлари билан таъсирлашиш юзаси камайиши таъминлайди.



4-расм. Такомиллаштирилган тоштутгич ишчи камерасида чигит шикастланиш жараёнини аниқлаш жараёни

Такомиллаштирилган конструкциядаги тоштутгич деворларига пахта келиб урилишдаги зарба кучини юқоридаги ўтказилган тажрибалар сингари Бухоро I нав 1 синфдаги пахта хомашёсида ўтказилиб кўрилди. Бунда ҳам худди ўша зарба кучини аниқловчи ARDUINO датчиги ёрдамида тоштутгич деворларига пахтани юқори ҳаво оқими таъсирида келиб урилишдаги зарба кучлари аниқланди (4-расм).


Бунда юқоридаги тажриба такроран такомиллаштирилган тоштутгич қурилмасида ўтказилиб қуйидаги қийматлар олинди (2-жадвал).

2-жадвал

Вакт (секунд)	1	2	3	4	5	6	7	8
Куч (Ньютон)	1,13	1,29	1,75	2,03	2,07	2,13	1,92	1,28

Юқоридаги 2-жадвалдан кўриниб турибдики ҳаво оқими таъсирида кириб келган пахта хомашёсининг миқдори турлича бўлганлиги сабаб тоштутгичнинг магнитли барабани парракларига урилиши натижасида зарбанинг қийматлари турлича бўлди. Таъсир этувчи зарбани қуйидаги график орқали ифодалаймиз (5-расм).

Такомиллаштирилган тоштутгич қурилмасининг айнан таркибидан турли хил оғир аралашмалар ва метал парчаси бўлган пахта оқими бориб уриладиган девор қисмига резина парракли магнитли барабан ўрнатилиши ҳисобига зарбаланиш юзаси камайиб амалдаги тоштутгич қурилмаларига нисбатан зарбаланиш қийматлари камайганлигини графикдан кўришимиз мумкин.



5-расм. Такомиллаштирилган тоштутгич қурилмасида зарба кучини графикларда кўриниши


Такомиллаштирилган тоштутгич қурилмасининг айнан таркибидан турли хил оғир аралашмалар ва метал парчаси бўлган пахта оқими бориб уриладиган девор қисмига резина парракли магнитли барабан ўрнатилиши ҳисобига зарбаланиш юзаси камайиб амалдаги тоштутгич қурилмаларига нисбатан зарбаланиш қийматлари камайганлигини графикдан кўришимиз мумкин.

Такомиллаштирилган тоштутгич қурилмасида чигит шикастланишини аниқлаш мақсадида Такомиллаштирилган тоштутгич қурилмасидан сўнг пахтадан намуна олиниб чигити ажратиб олинди ва лаборатория шароитида 50 грам намуна олиниб кислота ёрдамида туксизлантирилди. Бенда шикастланган чигитлар ажратиб олинганда уларнинг массаси 1,18 грамга тенглиги аниқланди. Шундан сўнг умумий олинган чигитларнинг массасига нисбатан шикастланган чигитларнинг массаси 2,4 % га тенг чиқди. Амалда ва Такомиллаштирилган таклиф этилаётган тоштутгич қурилмаларида чигит шикастланиш фарқларини аниқлайдиган бўлсак амалдаги тоштутгичда (чигит шикастланиши 3,3 %), Такомиллаштирилган тоштутгичда (чигит шикастланиши 2,4 %) буларни орасидаги яъни

чигитнинг шикастланганлик даражасини пасайиш қиймати 0,9 % га тенглигини кўришимиз мумкин.

Бу икки ўтказилган тажриба яъни амалдаги ва пакомиллаштирилган таклиф этилаётган тоштутгич курилмаларида юқори ҳаво тезлиги таъсирида тоштутгич деворларига пахта ва оғир аралашмаларни келиб урилишдаги зарбаланиш даражасини диаграмма кўринишида таққосласак қуйидаги диаграммаларга эга бўламиз (6-расм).

Ушбу саккиз бурчакли геометрик шаклга эга бўлган диаграммаларнинг диагоналлари кесишган нуқтасини таъсир этувчи зарба кучини дастлабки ҳолати деб олсак, белгиланган вақт мобайнида тоштутгич деворлари билан таркибида оғир аралашмалари мавжуд бўлган пахтанинг таъсирлашуви натижасида зарбаланиш даражаси
а) амалдаги тоштутгич курилмасида
б) таклиф этилаётган тоштутгич курилмасига нисбатан таъсир радиуси кенгайиб бораётганини кўришимиз мумкин.



а) амалдаги тоштутгич б) таклиф этилаётган тоштутгичда

6-расм. Тоштутгич курилмаларида зарба кучларининг таъсири

Хулоса

Ўтказилган натижалардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Такомиллаштирилган таклиф этилаётган тоштутгич курилмасининг кириш қувури қаршисага резина парракли магнитли барабабан ўрнатилиши ҳисобига пахтани қўшимча титиб метал парчаларини ажаратиб олиш билан бир қаторда юқори ҳаво тезлиги билан кириб келган пахта ва унинг маҳсулотларини зарбаланиши таъсирида механик шикастланиш даражаларини камайтиришга эришилди. Айниқса толанинг табиий сифат кўрсаткичлари сақлаб қолинди.

АДАБИЁТЛАР

1. Рахимов Ф., Саломова М., Қосимов Х.// Пневмотранспорт курилмаси элементларини такомиллаштириш// Механика муаммолари 2019 й.

2. Muradov R., Rakhimov F., Kasymov H., Karimov A. “Theoretical Study Of The Movement Of New Impurities And Heavy Impurities” The American journal of engineering and technology, Volume02 Issue07 July 2020. DOI: -10.37547/tajet. ISSN (e): 2689-0984 DOI: https://doi.org/10.37547/tajet/ Volume02Issue07-03.

3. R.Muradov, F.Rakhimov, Kh.Kasymov, A.Karimov Theoretical Study Of The Movement Of New Impurities And Heavy Impurities THE AMERICAN JOURNAL OF ENGINEERING AND TECHNOLOGY, *Volume02 Issue07 July 2020/* http://theamericanjournals.com/index.php/ajet

4. Мурадов Р., Хусанов С., Каримов А. “Пахтани таркибидаги оғир аралашмаларни тутиб қолувчи қурилмаларни самарадорлигини ошириш йўллари”. Монография, 2017, 112 бет.

УДК 625. 06. 005

“HYUNDAI 210 W” ЭКСКАВАТОРИНИ ИШДАН ЧИҚИШ ЖАРАЁНИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚОТ ҚИЛИШ

Аслонов Норқул Раббонаевич
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори,naslonov1986@mail.ru, тел.977329958

Ирисов Хусниддин Дониёривич
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти, husniddin_bek@mail.ru, 974476001

Аннотация. Мақолада экскаваторини ишдан чиқиш жараёни кўрсаткичларини, жумладан: машинага тўғри келадиган ўртача ишдан чиқишлар сонини, ишдан чиқиш оқимининг параметри ва ишдан чиқишлар орасидаги ўртача вақтни аниқлаш борасида олиб борилган тадқиқот ишлари ва уларни аниқлаш усуллари келтирилган. Олинган натижалар асосида экскаваторни ишдан чиқишлар орасидаги ўртача вақт аниқланди.

Аннотация. В статье приведена исследования показатели процесса появления отказов экскаватора, как: средней количество отказов, параметр потока отказов и наработка на отказ и представлены методы определения этих показателей. По полученным результатом исследовании определены величины наработка на отказ экскаватора.

Annotation. The article provides research indicators of the process of occurrence of excavator failures, such as: the average number of failures, the parameter of the failure flow and the operating time for failure and presents methods for determining these indicators. According to the obtained research results, the values of the operating time for failure of the excavator are determined.

Kalit so‘zlar: ишончлилик, ишдан чиқиш, оқим, параметр, жараён, иш вақти, ўртача ишдан чиқиш сони.

Ключевые слова: надежность, отказ, поток, параметр, процесс, наработка, средней количество отказов.

Key words: reliability, failure, flow, parameter, process, operating time, average number of failures.

Кириш. Йўл техникаларидан унумли фойдаланиш учун бошқарув усулларини ишлаб чиқишга мослаштириш мақсадга мувофиқ бўлиб, техникаларда олиб бориладиган профилактик жараёнларни ва машиналарни гидравлик бошқариладиган системани

таъмирлаш, фойдаланилаётган машиналарнинг ишлашини талаб даражасида таъминлашдан иборат.

Ишончлилик кўрсаткичлар - бу йўл қурилиш машиналарининг техник ҳолати, унда барча параметрларнинг қийматлари, шу жумладан белгиланган функцияларнинг бажарилишини тавсифловчи ресурсларнинг ишончлилиги кўрсаткичлари норматив-техник ва эксплуатацион ҳужжатлар талабларига мос келиши муҳимдир.

Ишончлиликнинг ошиши йўл қурилиш машиналарининг иш ҳолатида бўлиш вақтининг кўпайишига олиб келади. Шунинг учун, натижага эришиш эксплуатацион кўрсаткичлар машиналардан техник фойдаланиш ва техник тайёрлиги коэффициентларини қийматларини ошириш асосий вазифалардан иборат бўлиши мумкин. Кутилаётган натижаларга режадан ташқари ўтказиладиган таъмирлаш сонларини камайтириш орқали эришилади.

Йўл қурилиш машиналарнга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тадбирларини ўтказиш, шунингдек гидравлик бошқариладиган йўл қурилиш машиналарини техник ҳолати, уларни фойдаланишдаги эксплуатацион ишончлилиги кўрсаткичларини оширишга қаратилган [1,2,6].

Асосий қисм. Йўл қурилиш машиналари агрегатлари ва узелларининг техник ҳолатини кузатиш ва ҳисобга олиш, техник ҳолатдаги ўзгаришларни аниқлаш, шунингдек, ишламай қолиш ҳолатларини, эксплуатацион ишончлилик кўрсаткичлари асосида техник хизмат кўрсатишни ва таъмирлашни оптимал режалаштириш ва ташкил этиш киради.

Кўрилаётган HYUNDAI 210 W маркали бир чўмичли экскаваторнинг $T_н$ оралиғидаги битта машина учун ўртача ишдан чиқишлар сони d_1 (1) ифода билан, ишдан чиқишлар оқимининг параметри λ_1 (2) ифода ва ишдан чиқишлар орасидаги ўртача вақт T (3) ифодалар билан аниқланади.

Бундан ташқари, текширилган машиналарнинг маълум бир иш вақтидаги дастлабки маълумотларидан фойдаланган ҳолда, гидравлик бошқарилаётган тадқиқот ва назорат қилинаётган бир чўмичли экскаваторларнинг ишончлилигини эксплуатацион кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган ва бошқа қўлланиладиган усуллар келтирилган [2,6,10].

Тадқиқот қилинаётган бир чўмичли экскаваторларнинг ишончлилигини эксплуатацион кўрсаткичларини аниқлаш, уларнинг иссиқ иқлим зонасида ишлашини баҳолаш, машинани иш шароитлари факторларининг машиналарнинг ишончлилигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Экскаваторнинг ишончлилик эксплуатацион кўрсаткичларини аниқлаш тизими схемаси 1- расмда келтирилган.

Бир кузатилаётган машинага тўғри келадиган ўртача ишдан чиқишлар сонини d_{ji} қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$d_{ji} = \frac{m_{ji}}{N_{ji}} \tag{1}$$

Бир чўмичли экскаваторнинг ишдан чиқиш оқимининг параметри λ_{ji} қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$\lambda_{ji} = \frac{d_{ji}}{\Delta_{ji}} \tag{2}$$

Бир чўмичли экскаваторнинг ишдан чиқишлар орасидаги ўртача вақт T қуйидаги ифода билан аниқланади

$$T = \frac{T_{нар}}{\sum \mathrm{d_j}} \qquad (3)$$

Қолганларнинг қийматларини ҳисоблаш шу усулда амалга оширилади ва ҳисоб натижалари 1 - жадвалга киритилади [7, 9].



Расм 1. Экскаваторнинг ишончлилик эксплуатацион кўрсаткичларини аниқлаш тизими схемаси

Жадвал 1.

HYUNDAI 210 W экскаваторини ишдан чиқишлар оқимининг параметри λ_1


№	Интервалдаги машинани иш вақти $T_{нар}$	Интервалдаги машиналар сони N_j	Интервалдаги машинани ишдан чиқишлар сони $\mathrm{m_j}$	Бир машинани ўртача ишдан чиқишлар сони d_j	Ишдан чиқишлар оқимининг параметри λ_j
1	0 - 250	2	5	2,50	0,010

2	251 - 500	3	3	1,00	0,004
3	501 - 750	4	7	1,75	0,007
4	751 - 1000	3	6	2,00	0,008
5	1001 - 1250	3	5	1,67	0,0067
6	1251 - 1500	3	4	1,33	0,005
7	1501 - 1750	4	8	2,00	0,008
8	1751 -2000	2	3	1,50	0,006
9	2001 - 2250	3	3	1,00	0,004
10	2251 - 2500	4	7	1,75	0,007
11	2501 - 2750	4	5	1,25	0,005
12	2751 - 3000	4	8	2,00	0,008
13	3001 - 3250	3	8	2,66	0,011
	$\sum$		72	21,41	

HYUNDAI 210 W маркали бир чўмичли экскаваторнинг кузатув давридаги ишлаган машинанинг иш вақтига нисбатан ишдан чиқишлар орасидаги ўртача вақт T қуйидагига тенг

$$T = \frac{T_{нар}}{\sum d_j} = \frac{3250}{21{,}41} = 151{,}79 \quad \text{отк./соат.}$$

Бир чўмичли “HYUNDAI 210 W” маркали экскаваторини ишдан чиқиш жараёнининг олинган ва 1- жадвалда келтириган кўрсаткичлар асосида экскаваторни ишдан чиқиш оқими параметрининг графигини ишлаб чиқамиз. HYUNDAI 210 W маркали бир чўмичли экскаваторни ишдан чиқиш оқими параметрининг графиги 2-расмда келтирилган [3,4],



Расм 2. HYUNDAI 210 W маркали экскаваторни ишдан чиқиш оқимини параметри

HYUNDAI 210 W маркали бир чўмичли экскаваторни ишдан чиқиш оқимини параметри λ_{ji} 2-расмдан кўриниб турибдики, экскаваторларнинг ишлаш муддати 250 мото-соатгача бўлган вақт оралиғида, ишламай қолиш даражасининг ошиши билан характерланмоқда.

Бу биринчи навбатда ишнинг бошланғич даврида машина қисмларининг ишламай қолиши ва баъзи турдаги технологик нуқсонларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ, яни машина қисмлари, агрегатлари ва қолаверса машинани йиғиш давридаги баъзи технологик жараёнлардаги қўйилган камчиликлар сабабидир.

Иккинчи ҳолат HYUNDAI 210 W маркали бир чўмичли экскаваторни ишдан чиқиш оқимини параметри λ_{ji} 2-расмдан кўриниб турибдики, экскаваторларнинг ишлаш муддати 250 дан 2750 мото-соатгача бўлган иккинчи даврда экскаваторларнинг нормал ишлаш шароитлари билан характерланмоқда, яъни барқарор ишлаш даври. Чунки, таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики ишдан чиқишлар тақсимланиши, яъни ишдан чиқишлар оқими параметри чизиғи назарий эгри чизиғига яқинроқ, ушбу иш даврида ишдан чиқишлар оқими параметри λ_{ji} - нинг қиймати барқарорлашади [7, 10].

Сўнги учинчи ҳолат 3000 соатдан кейин ишдан чиқишлар оқими λ_{ji} кескин ошиб боради. Бунинг сабаби, ишдан чиқиш вақти, ёрилиш, эгилиш, чарчаш, эскириш, синиш каби бўлган ҳолатларда алоҳида деталлар ва агрегатлар ўз ресурсларининг охирига яқинлашиши билан характерланади, бу ўз навбатида детал ва агрегатларнинг ишдан чиқишга олиб келади.

HYUNDAI 210 W экскаваторни 250 дан 3000 гача мото-соатлар ишлаш даврида 2-расмдан нормал ишлаш шароитлар, яни машина барқарор ишлаши билан характерланади, чунки бу даврда ишдан чиқишлар оқимининг параметри барқарорлашади ва деярли бир ҳил катталикларда ўзгариб туради

$$\lambda' = \frac{1}{T} = \frac{1}{151{,}79} = 0{,}0066 \text{ отк./соат.}$$

Хулоса. Ишлаб чиқилган йўл қурилиш машиналарини фойдаланишдаги ишончлилик кўрсаткичларини аниқлаш ва ҳисоблаш методикаси амалий қўлланилиши, ишлаб чиқиш корхоналарида йўл техникаларидан фойдаланишда эҳтиёт қисмлар детал ва агрегатларни сарфини режалаштиришда, уларни ишлаш ресурсини аниқлашда амалий аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. В.И. Баловнев, Г.В. Кустарев и др. Дорожно-строительные машины и комплексы. Издательство Сиб. АДИ., Москва., Омск. 2001.

2. Шейнин А.М. «Эксплуатация дорожных машин». М., Транспорт, 1992.

3. Руководство по эксплуатации и технического обслуживания. Экскаватор HYUNDAI 210 W, Корея, 2017.

4. HYUNDAI 210 W excavator hydraulic. Exploitation and servis. DAEWOO heavy industries LTD. Korea, 2017.

5. Методические указания по сбору и обработке информации о надежности машин. М., Стройиздат, 2013

6. Волков Д.П., Николаев С.Н. Надежность строительных машин и оборудования. М.: Высшая школа, 1994.

7.Методы статической обработки информации о надежности строительных и дорожных машин. М., Машиностроение, 1995.

8. Методика определения экономического ущерба от отказов. М.: ВНИМС, 1992.

9. Гриневич Г.П. и др. Надежность строительных машин. 2-е издание. М.: Стройиздат, 1993.

10. Шейнин А.М. Закономерности влияния надежности машин на эффективность их эксплуатации. М.: Знание, 1991.

UDK 621.9

TEXNOLOGIK TIZIMNING KESISH KUCHI TA’SIRIDA ELASTIK DEFORMATSIYALANISHIDAN HOSIL BO‘LADIGAN XATOLIKLAR

Asatillayev Yo‘ldashali Malikovich
Namangan muhandislik-qurilish instituti, t.f.n., dotsent, yaldash@umail.uz , tel. 932722705

Pardayev Zokir Elmurodovich
Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti, katta o‘qituvchi, z.pardayev986@gmail.com, tel. 934243424

Babayev Narimon Otabayevich
Namangan muhandislik-qurilish instituti, katta o‘qituvchi, narimonbabayev65@gmail.com, tel. 913535801

Isroilov Nizomjon Nozimjon o‘g‘li
Namangan muhandislik-qurilish instituti, stajyor o‘qituvchi, nizom5094@gmail.com, tel. 943065368

Annotatsiya: Maqolada texnologik jihoz tizimida detallarni kesib ishlashda, kesish kuchi ta’sirida jihoz qismlarining elastik deformatsiyalanishi natijasida, detal shakli va o‘lcham aniqligining o‘zgarish ko‘rsatkichlari tajriba usuluda tadqiq qilingan. Kesib ishlash vaqtida kuchlarning ta’sir ko‘rsatkichlari kesish chuqurligining o‘zgarib turishi hisobiga deformatsiyalanish qonuniyatini kesish nazariyasi fanining formullalari yordamida hisoblab chiqildi. Olingan natijalar detal shakl va o‘lcham o‘zgarishi xatoliklarini bartaraf qilish rejim elementlarini aniqlash imkonini berdi.

Аннотация: В статье приведены результаты экспериментальных исследований по определению изменения формы и точности размеров детали при их обработке резанием в системе технологического оборудования в результате упругой деформации деталей оборудования под действием силы резания. Показатели воздействия сил при резании рассчитывались по формулам теории резания, закону деформирования за счет изменения глубины резания. Полученные результаты позволили определить элементы режима устранения ошибок изменения формы и размеров деталей.

Annotation: The article presents the results of experimental studies to determine the change in the shape and dimensional accuracy of the part during their cutting in the process equipment system as a result of elastic deformation of equipment parts under the action of cutting force. The indicators of the impact of forces during cutting were calculated according to the formulas of the theory of cutting, the law of deformation due to a change in the depth of cut. The results obtained made it possible to determine the elements of the mode for eliminating errors in changing the shape and size of parts.

determine the elements of the mode for eliminating errors of detail shape and size change.

Kalit so‘zlar: deformatsiya, aniqlik, jarayon, kesish kuchi, bikrlik, tizim, zagotovka, detal, kesish chuqurligi, elastik, egiluvchan.

Ключевые слова: деформация, точность, процесс, сила резания, устойчивость, система, заготовка, детал, глубина резания, упругий, упругость.

Keywords: deformation, accuracy, process, cutting force, uniformity, system, zagotovka, detail, cutting depth, elastic, elasticity.

Kirish. Mashinasozlikda aniqlikni oshirish va texnologik ta’minlash masalasi juda dolzarb hisoblanadi. Mashinasozlikdagi aniqlik texnologik jarayonlarning iqtisodiy samaradorligini solishtirish va ishlov berish hamda texnologik vositalar tannarxini hisoblash texnologik jarayonlarni loyihalashning ajralmas qismidir.

Detallarni kesib ishlashda kesish kuchi ta’sirida texnologik tizimning qismlari elastik deformatsiyalanadi. Uning qiymati kesish kuchiga va shu qismlarning bikrligiga, ya’ni ularning ta’sir qilayotgan kuchga qarshilik qilish qobiliyatiga bog‘liqdir. Kesish jarayonida kesish kuchining miqdori o‘zgarib turadi. Uning o‘zgarishi kesish chuqurligining o‘zgarishiga (partiyadagi zagotovkalar o‘lchamining o‘zgarishi hisobiga), zagotovka materialining qattiqligiga bogliqdir. Kesish kuchining va tizim qismlari bikrligining har xil kesimda o‘zgarib turishi texnologik jihoz qismlarining har xil deformatsiyalanishiga olib keladi, bu esa detalning shakli hamda o‘lcham aniqligiga ta’sir qiladi [1,2,3].

Tadqiqot ob’ekti va usuli. Texnologik tizimning bikrligi kuchning deformatsiyaga nisbati bilan aniqlanadi. Kesish nazariyasi bo‘yicha kesish kuchi uchta tashkil etuvchiga bo‘linadi va quyidagicha aniqlanadi (1-rasm):

$$P = \sqrt{P_z^{\,2} + P_y^{\,2} + P_x^{\,2}}$$


bu yerda:

P – umumiy kesish kuchi, *N;*

P_z – tangentsial kesuvchi kuch, *N;*

P_y – radial kuch, *N;*

P_x – o‘q kuchi, *N*



1- rasm. Kesuvchi kuchni tashkil etuvchilari

Ishlov berilayotgan yuzaning bikrligiga, asosan, yuzaga normal radius bo‘yicha yo‘nalgan radial kuch ta’sir qiladi [4,5]. Texnologik jihoz elastik deformatsiyalanadigan tizimining bikrligi deb kesuvchi kuchni radial tashkil etuvchisining shu yo‘nalishdagi deformatsiyalanish (y) nisbatiga aytiladi.

$$j = \frac{P_y}{Y}, N/mm$$

Texnologik tizimning egiluvchanlik xususiyatini uning beriluvchanligi bilan ham baholash mumkin. Beriluvchanlik (*w*) bikrlikka teskari bo‘lib, deformatsiyalanishning radial kuchga nisbati bilan ifodalanadi:

$$W = \frac{1}{j} = \frac{Y}{P_y}, mm/N$$

Texnologik tizimning bikrligi tajriba usuli bilan topiladi. Oddiy shakldagi zagotovka va kesuvchi asboblarning bikrliklarini esa, hisoblash usuli bilan topiladi. Tokarlik dastgohining markazlariga o‘rnatilgan valning bikrligini ikki tayanchda yotgan balkaning egilish formulasi yordamida (2-rasm, a) aniqlanadi:

$$Y = \frac{P^y \cdot l^3}{48EJ}, mm$$


Patronga mahkamlangan zagotovka yoki keskichning bikrligini bir uchi bilan mahkamlangan konsol balkaning egilish burilmasi yordamida (2-rasm, b) aniqlash mumkin:

$$Y = \frac{P^y \cdot l^3}{3EJ}, mm$$

formulada: ℓ - zagotovka yoki keskichning uzunligi, mm;
E – elastiklik moduli, N/mm^2;
J – inertsiya momenti, mm^4

to‘g‘ri to‘rtburchak qirqim uchun $J = \frac{BH^3}{12}$,

doira qirqim uchun $J = \frac{\pi d^4}{64} \approx 0{,}05d^4$



a) **b)**

2-rasm. Patronga mahkamlangan zagotovkaning egilishi


Yangi dastgohning bikrligi 20000 ÷ 40000 n/mm, ishlagan dastgohlar ucnun esa 10000 n/mm dan kam bo‘ladi. Texnologik tizim bikrligining oshishi ishlanayotgan detal aniqligining oshishiga va ish unumdorligining ko‘payishiga olib keladi.

Texnologik jihoz tizimining bikrligini quyidagicha oshirish mumkin:

- tizimni tashkil etuvchi detallarning bikrligini oshirish;

- birikmalarning tirqishini kamaytirish;
- texnologik tizimni tashkil etuvchi qismlarini kamaytirish;
- ishlov berilayotgan zagotovkaning bikrligini oshirish va yordamchi tayanch ishlatish [6,7].

Kesib ishlash paytida detal va asbobning kesish kuchi ta’siridan deformatsiyalanishi, dastgohning dastlabki sozlangan holatini o‘zgartiradi, bu holat 3- rasmda ko‘rsatilgan.



3 - rasm. Kesish chuqurligining o‘zgarishi

Kesishdan oldin asbob berilgan kesish chuqurligiga ($t_{dastlabki}$) o‘rnatiladi. Kesish paytida kesish kuchi ta’sirida detal va asbob o‘z holatini o‘zgartiradi (siljiydi) va natijada haqiqiy kesish chuqurligi ($t_{haqiqiy}$) kamayadi, ya’ni:

$$y_1 + y_2 = t_{dastl} - t_{haqiqiy}$$

bu yerda y_1 va y_2 - detalning va kesuvchi asbobning kesish kuchi ta’sirida siljishi.

$$y_1 = \frac{P_y}{j_g}; \quad y_2 = \frac{P_y}{j_a}.$$

j_g - detal -moslama-dastgoh tizimining bikrligi; j_a – asbob moslama - dastgoh tizimining bikrligi.

Kesuvchi kuchning radial tashkil etuvchisining miqdori kesish nazariyasi yordamida aniqlanadi:

$$P_y = 10C_p t^x{}_{haqiqiy} S^y HB^n, N$$

bu erda x, y va n – daraja ko‘rsatkichlari:
C_p – kesib ishlash sharoitini hisobga oluvchi koeffitsient;
S – surish harakati;
HB – detal materialining qattiqligi.
y_1, y_2 va P_y larning miqdorlarini yuqoridagi formulaga qo‘yib quyidagi ifodani olamiz:

$$\left\{\frac{A}{j_g} + \frac{A}{j_a}\right\} t^x{}_{haq} = t_{dast} - t_{haqiq}$$

$t_{dast} - t_{haqiq} = t_{qoldiq}$ deb belgilaymiz va qolqiq kesish chuqurligini topamiz:

$$t_{qold} = At^{x}{}_{haqiq}\left\{\frac{1}{j_g} + \frac{1}{j_a}\right\}$$

Agar detal va asbobning siljishi hisobga olinmasa:


$$t_{qold} = At^{x}{}_{dastl}\left\{\frac{1}{j_g} + \frac{1}{j_a}\right\}$$ qavs ichidagi ifodalar texnologik tizimning beriluvchanligini bildiradi.

Natijalar tahlili. Zagotovkalarning yaroqlilik maydonini bilgan holda, $t_{katta\ qolqiq}$ va $t_{kichik\ qolqiq}$ hisoblab topilsa bo‘ladi. Agar kesish kuchi ta’sirida texnologik jihoz tizimning deformatsiyalanishi natijasida hosil bo‘ladigan xatolikni Δ_E deb belgilasak, unda

$$\Delta_E = t_{katta\ qol.} - t_{kichik\ qol.}$$

qoldiq kesish chuqurligining o‘zgarishi detalning o‘lcham va shakl aniqligiga ta’sir qiladi.

Deformatsiyalanadigan texnologik tizimda detallarni kesib ishlashda zagotovkada mavjud bo‘lgan xatoliklami bir ishlov berish bilan butunlay yo‘qotib bo‘lmaydi. Texnologik tizimning bikrligini oshirish va bir yuzaga bir necha marta ishlov berish yo‘li bilan qoldiq xatoliklarini kamaytiriladi yoki butunlay yo‘qotiladi (4-rasm).



4 – rasm. Yuza aniqligini ta’minlashda kesish chuqurligini kesish tezligiga bog‘liqligi

Grafikdan ko‘rinadiki (4-rasm), yo‘nish jarayonida kesish chuqurligi t_{kich} dan t_{kat} gacha o‘zgaradi, ya’ni zagotovkaning xatoligi

$$\Delta_T = t_{katta} - t_{kichik}$$

Kesish vaqtida kesish chuqurligining o‘zgarishi natijasida texnologik birlik har yerda har xil egiladi va natijada detal konus shaklida bo‘lib qoladi, ya’ni detaining xatoligi:

$$\Delta_d = t_{katta\ qol.} - t_{kichik\ qol.}$$

Xatolikning kamayish koeffitsiyenti doimo birdan kam va bir yuzaga ishlov berish sonining oshishi bilan kattalashib birga yaqinlashib boradi, ya’ni zagotovkaning xatoligi detaining xatoligiga yaqinlashganda xatolik yo‘qoladi [8,9,10].

1 – jadval.

Yuza aniqligini ta’minlanishida har bir o‘tishdagi rejim elementlarinining o‘zgarishi

1-o‘tish	Zagotovka, Δ_T	P_y, kg/sm^2	A_{katta}	A_{kichik}
2-o‘tish	Detal, Δ_d	P_y, kg/sm^2	$t_{\text{dastlabki}}$	$t_{\text{katta qoldiq}}$

3-o‘tish	Detal, Δ_d	P_y, kg/sm^2	t_{katta}	t_{kichik}
4-o‘tish	Detal, Δ_d	P_y, kg/sm^2	t_{kichik}	t_{haqiqiy}

Xulosa. Olingan natijalarga asoslanib, sozlangan dastgohda zagotovkalarga ishlov berish vaqtidagi detallarning aniqligini oshirish uchun quyidagi xulosani berish mumkin:
- texnologik tizimning bikrligini oshirish kerak, ya’ni

$$\left\{\frac{1}{j_g}+\frac{1}{j_a}\right\}$$ ni kamaytirish kerak;

- zagotovkaning aniqligini oshirishda ($t_{katta} - t_{kichik}$) ni kamaytirish kerak;
- zagotovka materialning mexanik xossalarini o‘zgarmas bo‘lishi, (A_{katta} - A_{klchlk}) ni kamayishiga sharoit yaratadi;
- butun texnologik jarayon davomida radial kuchning miqdorini bir xil saqlash kerak;
- kesish jarayonida t ning oshishi bilan S surish harakatining miqdori kamaytirilsa, P_y o‘zgarmaydi va butun yuza bo‘ylab $t_{qol.}$ bir xil bo‘ladi;
- texnologik jarayon davomida ma’lum qonuniyat bo‘yicha o ‘zgarishini mexanik, gidravlik yoki boshqa qurilmalar yordamida amalga oshirish maqsadga muvofiq bo‘ladi[9,10,11].

ADABIYOTLAR

1. Avtomatlashtirilgan korxona stanoklari: Oliy texnika o‘quv yurt. “Mashinasozlik texnologiyasi, metal kesish stanoklari va asboblari” mutaxassisligi talabalri uchun darslik. L.V. Peregudov, A.N. Xoshimov, I.K. Shalagurov, S.L. Peregudov-T.: O’zbekiston, 1999.-488 b.

2. Usmonov K.B. Metallarni kesish asoslari: Oliy o‘quv yurtlari uchun. – T.: ―O‘qituvchi‖, 2004. – 160 b.

3. Технология машиностроения: учебник для студ. высш. учеб. заведений/ [Л. В. Лебедев, В. У. Мнацаканян, А. А. Погонин и др.]. - М. :Издательский центр "Академия", 2006.-528 с.

4. Кишуров В.М. Назначение рациональных режимов резания при механической обработке: учебное пособие. – 2-е изд., перераб. и доп./ В.М.Кишуров, П.П.Черников, Н.В.Юрасова. Издательство «Лань», 2018. – 216 с.

5. Асатиллаев Й.М., Оптимизация параметров резания в зависимости от глубины резания и подачи/ Асатиллаев Й.М., Шерматов Г.Г., Мухторов С.А.- Научно – технический журнал ФерПИ, 2020. - Т.24, спец. вып. №3.

6. Malikovich, A. Y. (2022, March). Features of the technology of cutting worms with a cutter on cnc machines. In *Conference Zone* (pp. 11-13).

7.Malikovich, A. Y. (2022, March). Development of the technological process ofmanufacturing and devices for technical support of the body part. In *Conference Zone* (pp. 9-10).

8.Malikovich, A. Y. (2021). Methods for Optimizing the Dynamic Characteristics of theMain Elements of Machine tools during Cutting. *Design Engineering*, 11104-11111.

9.Malikovich, A. Y. (2021). Analysis of Plastic Deformation of the CutLayer. *International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology*, *1*(5), 57-59.

10.Асатиллаев, Й. М., & Аблажевич, М. Е. (2022). ОСОБЕННОСТИ ВЫБОРА РЕЖИМОВ РЕЗАНИЯ ДЛЯ ОБРАБОТКИ ЛИТЫХ КОРПУСНЫХ ДЕТАЛЕЙ. *Universum: технические науки*, (4-2 (97)), 12-15.

11. Pardaev Z.E. Issiqlik elektr markazlarida issiqlik nasosli qurilma yordamida suv va energiyani tejash usuli. “ Research and Education” Scientific Journal Volume 1, issue 8, November, 2022.

12. Muradovich, R. R., & Satimbaevich, N. (2020). Basic Equations Of Motion Of A Material Particle In A Lifting Centrifugal-Separating Bar Elevator. *Solid State Technology*, *63*(5), 3129-3133.

13. Shermatov, G. Khaidarov AK Babaev NO Features of Basalt Fibre Materials. *International Journal of Advanced Research in Science. Engineering and Technology*, *7*(11).

14. Botirov, A. G., Negmatullaev, S. E., Begmatov, D. K., Babaev, N. O., & Mamatrahimov, O. A. (2019). Improvement of Technology of Seeding and Sowing Section. *International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology*, *6*(12).

15. Меликулов Нормат, Қўчқоров Собиржон Каримжонович ОДНОВРЕМЕННОЕ ДЕЙСТВИЕ ИЗГИБА И СЖАТИЯ В ПЛАСТИНАХ, ПОДКРЕПЛЕННЫХ ПО КОНТУРУ УПРУГИМИ ТОНКОСТЕННЫМИ СТЕРЖНЯМИ // Механика и технология. 2022. №8. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/odnovremennoe-deystvie-izgiba-i-szhatiya-v-plastinah-podkreplenyh-po-konturu-uprugimi-tonkostennymi-sterzhnyami (дата обращения: 28.03.2023).

16. Меликулов Н. и соавт. Криволинейная пластина сжатия, нагруженная сжимающими усилиями, приложенными к неармированным кромкам // Евразийский инженерно-технический журнал. – 2022. – Т. 11. – С. 182-186.

17. Xolmirzaev, J. Z., Kuchkorov, S. K., & Eksanova, S. SH.(2020). Udarno-Vrashchatelьnaya Dinamicheskaya Modelь Rabochego Organa

UDC 510.24

THE SCIENTIFIC APPROACH TO TEACHING MATHEMATICS

Khikmatova Rano Artikovna
Tashkent State Transport University Senior Lecturer, +998(98)-123-07-57, rano.hikmatova@bk.ru

Islamov Yorkin Abduxakimovich
Tashkent State Transport University Senior Lecturer, +998(98)-123-07-57, rano.hikmatova@bk.ru

Annotation: The article describes science in various segments of math teaching starting with the nature of math to mathematical tasks as an important method in shaping the system of basic mathematical knowledge, abilities and habits in students. In the end, some drawbacks in math teaching are mentioned which occur due to the inappropriate treatment of science in the teaching process.

Аннотация: В статье описывается наука в различных разделах преподавания математики, начиная с природы математики и заканчивая математическими задачами как важный метод формирования у учащихся системы базовых математических знаний, умений и навыков. В конце упоминаются некоторые недостатки в преподавании математики, возникающие из-за неправильного обращения с наукой в учебном процессе.

Annotatsiya: Maqolada matematikani o‘qitishning turli bo‘limlari bo‘yicha matematika tabiatidan boshlab, matematik masalalar bilan yakunlangan fan talabalarda asosiy matematik bilim, ko‘nikma va malakalar tizimini shakllantirishning muhim usuli sifatida tavsiflanadi. Maqola nihoyasida matematika fanini o`qitishda o`quv jarayonida fanga noto`g`ri munosabatda bo`lishdan kelib chiqadigan ayrim kamchiliklar to`g`risida to`xtalib o`tildi.

Key words: math, teaching math, scientific approach, the science principle, mathematical concept, theorem, problem – task.

Ключевые слова: преподавание математики, научный подход, принцип науки, математическое понятие, теорема, проблема-задача.

Kalit so’zlar: matematikani o'qitish, ilmiy yondashuv, fan prinsipi, matematik tushuncha, teorema, masala-topshiriq.

“Live as if you were to die tomorrow.
Learn as if you were to live forever”
- -Gandhi

Introduction. The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 29, 2019 "On approval of the Concept for the development of public education in the Republic of Uzbekistan until 2030" PF-5712 sets the goal to enter the top 30 countries in the world by 2030 PISA. It can be achieved by improving the quality and efficiency of educational institutions through the introduction of international standards for assessing the quality of education and training [1]. That is why quality and effective education creates a basis for new opportunities and innovations in the development of our country.

Modern mathematics teaching methodology offers various possibilities for solving the problem of involving students in independent and research work, it develops their problem solving skills and develops their creative thinking processes and skills. One of those possibilities is in the area of scientific framework. The foundation of a scientific framework is the principle of science and scientific research methods.

Teaching mathematics today primarily takes place within a professional framework. However, teaching math is a complex and demanding process. Even though being professional is

a condition for its success, it is not sufficient. The complexity is successfully resolved by relating math to other sciences. That way we get a process which has to take place harmoniously within several frameworks. The main frameworks are *language frameworks, professional frameworks, methodology frameworks, scientific frameworks, pedagogical frameworks* and *psychological frameworks.*

As it is not easy to achieve harmony, occasional slips and weaknesses occur in math teaching which significantly influence the quality of math education. That reflects negatively on the aims of modern math teaching which emphasizes involvement of students in independent and research work, developing skills for problem solving and the development of creative thinking and creative skills.

Modern mathematics teaching methodology offers various possibilities for solving the above-mentioned problem. A teacher can find many possibilities within the scientific frameworks. The foundation of scientific frameworks is the *science principle* and *scientific research methods*. These concepts often cause a dilemma. What does a scientific approach mean in math teaching? The aim of this article is to describe that meaning and to give a few postulates and issues which arise in scientific frameworks of math teaching. N.B. a math teacher does not have to be a scientist in order to appropriately, correctly apply the science principle, and research methods in math teaching.

The science principle. Didactic principles are the founding ideas and guidelines based on which teaching takes place. The basic characteristic of each principle is contained in the name of the principle itself which math teachers mostly understand. The same applies for the science principle. Nevertheless, the principle should be described in detail.

The science principle in math teaching consists of the appropriate harmony of teaching content and teaching methods on the one hand and the demands and regularities of math as a science on the other hand. That means that a math teacher should introduce students to those facts and form in their thought processes those mathematical occurrences, which are scientifically founded today. Math teaching has to be such to enable further broadening and enrichment of content and a natural continuation of math education at a higher level.

It is evident that from the description the principle of science makes a connection between math as a teaching subject and math as a science [2, 3].

Teaching mathematics. From the comparison mentioned, we can easily conclude that scientific methods are important for modern math teaching. That is why they are the subject of research in modern math teaching methodology. Through the selection of appropriate problems and through the application of that method a creative teacher can prepare students for work, which is very similar to research work, work of a scientist. Plenty of math teaching content can undergo such applications on thus meeting the science principle in its extent.

What does our teaching practice show in that respect? During the lesson, the math teacher often says: “the analysis shows”, “let’s have a look at some concrete examples”, “analogous it is proven”, “this set of facts induce the conclusion”, “the result of these observations is a generalization”, “through specialization we get the formula”, “mathematical concepts are abstract” etc. Do the students understand these words? How do we check their understanding? Knowledge of the procedures mentioned is often implied and therefore lack an explanation. That is not good.

Students should gradually and appropriately be taught how *to analyze, synthesize, abstract, induce, deduce, generalize, specialize, observe analogies,* regardless of whether they will be seriously involved in math at a later stage. As opposed to the usual acquisition of content, this is a higher level of mathematical education. Mathematical way of thinking is a valuable gain of mathematical education, applicable in many other activities. The words gradual and

appropriate are emphasized. If scientific procedures are appropriately and correctly applied, with a necessary feeling for the difficulty of math content and mathematical way of thinking, taking into consideration mathematical abilities of each student, it can be expected that math teaching will be successful. On the contrary, students will have significant difficulties in acquiring the teaching content and with time they can get the wrong impression that math is a more difficult subject than it actually is. Sadly, math books, and consequently the teaching process do not pay sufficient attention to the regularities of the application of scientific procedures. In teaching some math content, it can be established that they are wrong from that point of view. The science principle is therefore neglected.

Students' failures in math and the inadequate knowledge which is displays upon the completion of their education are for the majority part a consequence of the fact that teaching is mostly done at a lower level, where acquisition of content is overemphasized, while the higher level is neglected. The reason for this neglect lies in the fact that for higher level math teaching one needs more demanding scientific methods based on teaching which is heuristic and problem solving. On the other hand, the need for (appropriate) use of scientific methods in math teaching can be explained with the following facts:

Developing math is a *concrete* and *inductive* science, and math itself is an *abstract* and *deductive* science.

What is teaching math in that respect? Teaching math in primary school is also mostly *concrete* and *inductive*. Math teachers arrive at abstract postulations, generalizations by observing concrete objects and concrete examples and through inductive conclusions. This method is familiar and appropriate for students of that age. The inductive procedure is made up of a chain of inductive steps which lead to the understanding of the general. We begin with concrete objects and special cases, inductive conclusions are sequenced by analogy, and the observed facts are generalized. We observe a tight link between *induction with concretization, specialization, analogy* and *generalization*. The advantage of applying induction: implementation of the easier to more difficult principle, simpler to complex, studying new abstract concepts and phrases through observation and assessment, guiding students to new concepts, expression of new theorems, etc. The *inductive* approach is important in the development of a student's thought process which on the other hand is necessary for acquiring a lot of content in school math. Among such content are various rules, regularities, formulas, theorems, especially if they are not strictly derived or proven.

The opposite of induction is deduction. The deductive process of thinking and proving, takes place after induction, at a higher level of math teaching and math education.

An illustration of an appropriate methodological way of teaching mathematical content and the application of scientific methods is finding the sum K_n of all inner angles of a *n* angle with *n* sides.

In teaching this teaching unit, one should start from facts acquired in the previous grade. The first of those facts is a statement about the sum of all inner angles of a triangle: $K_3 = 180^0$. The second fact is the statement about the sum of all inner angles of a square: $K_4 = 360^0 = 2 \cdot 180^0$.

Furthermore, for the sum of all inner angles of a pentagonal a formula should be derived $K_5 = 540^0 = 3 \cdot 180^0$, for the sum of all inner angles of a hexagon a formula should be derived $K_6 = 720^0 = 4 \cdot 180^0$, students should be encouraged to conclude that the formula for a heptagon is $K_7 = 5 \cdot 180^0$, for the octagonal $K_8 = 6 \cdot 180^0$ etc. Comparison of formulas should follow.

Only after completing, all of those steps should be able to cognitively be ready for giving the following general statements:

The sum K_n *of all inner angles of a polygon with n sides is given with the formula* $K_n = (n-2)\cdot 180^0$.

Questions such as: what is the sum $K_{2008} = ?$ follow.

